10
30 ДЕК. 1982

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

28 ДЕКАБРЬ, 1982 ЙИЛ, СЕШАНБА № 296 (2.702). Баҳоси 3 тийин.

60 йиллигига СССР зардбор ҳафталиклар

Республикамиз дала ва фермаларининг меҳнаткашлари СССРнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган зардбор ҳафталикларда совет кишиларига хос ғайрат ва шижоат кўрсатиб, шонли санани муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар.

27 декабрдан бошланган олтмишинчи зардбор ҳафталик кўп миллатли улуғ мамлакатимиз кучқудратининг асосий манбаи — СССР халқлари дўстлигига бағишланади.

ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Шу кунларда совет кишилари Советлар мамлакатининг шонли юбилейи — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги туфайли жўш урган сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазиятида яшаб, ишлаб турибдилар. Улар КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, янада зўр самарадорлик билан ишлашга, йилни зардборларча тугаллашга, беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли бошлаш учун зарур шарт-шароит яратишга интилмоқдалар.

1983 йилги давлат плани топшириқлари ҳозир ҳам ҳар бир меҳнат коллективига етказилмоқда. Экономикани ривожлантиришнинг энг муҳим кўрсаткичлари — миллий даромад ва меҳнат унумдорлиги шу давр ичида ҳозирги беш йилликнинг дастлабки икки йилига нисбатан анча юқори суръатлар билан ўсиши лозимлиги кўзда тутилди. Бу эса бизга моддий неъматларни кўпроқ ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, халқнинг турмуш даражасини янада оширишни таъминлаш имконини беради.

Янги йил арафасида Москванинг илғор коллективлари муҳим ташаббус билан майдонга чиқдилар — меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш учун кураш ҳаракатини кучайтириб юбордилар. Улар социалистик мусобақанинг барча қатнашчиларига мурожаатнома қабул этиб, пойтахт меҳнаткашлари ўз ишининг самарадорлиги ва сифатини оширишга азму қарор берганликларини билдирдилар. Москваликлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ноябрь Пленумидаги нутқида айтилган: «Партия, давлат ва меҳнат интизомини ҳар қандай бузиш ҳолларига қарши янада қатъият билан кураш олиб бориш лозим», деган кўрсатмани тўла-тўкис маъқуллаб, ҳаракат қўлланмаси деб қабул этдилар.

Пойтахт илғор корхоналари, қурилишлари, транспорти, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг коллективлари меҳнатнинг ташкил этилишини қатъиян яхшилаш, хўжасизликка, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш тўғрисида мажбурият қабул қилдилар. Ишлаб чиқаришдаги намунали тартиб ҳар кунги норма бўлиб қолиши учун конкрет тадбирлар белгиландилар.

Корхоналарнинг ички имкониятларидан янада тўла-тўкис фойдаланишга, ишлаб чиқаришнинг юксак пировард натижаларига эришишга қаратилган бу ташаббуснинг аҳамияти жуда катта. Чунки ҳатто бир маромда ишлаб турган коллективларда ҳам баъзан ўртача яхши бўлиб кўринган кўрсаткичлар соясида кўпгина узилишлар ва нобудгарчиликлар яширинган ётибди, айрим жойларда прогулчилар, бракчилар, спиртли ичимликка ружу қўйган кишилар илғорлар панасида қолишга интилмоқдалар. Шу боисдан ҳам ишлаб чиқаришда намунали тартиб ўрнатиш, ўзаро талабчанликни ошириш, интизомни бузувчиларга нисбатан муросасиз бўлиш муҳимдир. Ишлаб чиқариш планининг сўзсиз бажарилиши қонун, шон-шараф иши ва ишчининг ор-номуси бўлиб қолиши керак.

Ҳозирги вақтда ҳар бир коллективда ҳар бир кишининг меҳнат меъёрини, шахсий ҳиссасини аниқ белгилаш имконияти бор. Улар орасида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаларини практикага кенг жорий этиш, ҳар бир кишининг энг юксак пировард натижаларга эришишдаги меҳнат улуши коэффициентидан фойдаланиб, бир наряд билан ишлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Меҳнат ва уни рағбатлантириш айни мана шундай ташкил этилган жойларда коллектив бир маромда ишлаб турибди, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш ҳолларига йўл қўйилмаяпти.

Меҳнатни пухта ташкил этиш, ишлаб чиқаришда қатъий меҳнат тартиби ўрнатилганлигини кўрсатувчи мисоллар оз эмас. Илғор коллективларнинг муваффақиятлари интизомнинг юксак даражаси билан, ҳам ишчилар, ҳам раҳбарлар топширилган иш учун масъулиятни жуда яхши сезиши билан белгиланади.

Ишлаб чиқаришда тартибни мустаҳкамлаш коллективларнинг барқарорлигига, кадрлар қўнимсизлигини пасайтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Москванинг илғор корхоналарида «учар»ларга шафқат қилмасликка қарор берилди, уларни район Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги ишга жойлаштириш комиссияси орқалигина ишга қабул қилиш практикасини қайта тиклаш таклиф қилинмоқда. «Ўз хоҳиши билан» ишдан бўшатишнинг ҳар бир факти ишчиларнинг йиғилишида муҳокама қилинади. Бу практика эса мамлакат Асосий Қонунининг виждонан меҳнат қилиш, меҳнат интизомига риоя этиш — СССРнинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир гражданининг бурчи ва шон-шараф ишидир» деган талабига мос келади. Интизомбузарлар билан ишлашда ишонтириш кучидан ҳам, шунингдек қонун кучидан ҳам фойдаланиш керак. Ишчиларнинг ўзлари ичкиликбозларга, жамиятга зид турмуш тарзида яшаётган шахсларга, текинхўрларга, «учар»ларга нисбатан кўнгилчанликни тугатиш пайти келди, деб айтмоқдалар.

Бу соҳада ишлаб чиқариш командирлари — мастерлар, цех ва смена бошлиқлари, корхона ва бирлашмалар директорларининг роли катта. Уларнинг фаолиятига баҳо бериш да интизомнинг ҳолати ва мустаҳкамланиши учун улар худди план топшириқларининг бажарилиши учун бўлганидек жавоб бершларига асосламоқ керак. Коллективнинг меҳнатини аниқ, илмий ташкил этиш, унинг юксак самарадорлигини таъминлаш, ҳар бир кишининг умумий натижаларга қўшган ҳиссасига тўғри баҳо бериш, одамларни қизиқтираётган социал масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш, шахсан ишга ҳалоллик ва ташаббускорлик билан қараш намунасини кўрсатиш ишлаб чиқариш командирларининг бевосита бурчидир. Ишчилар коллективи раҳбардан ўзига топширилган участкасининг узлуксиз ишлаши нега таъминланмаганлигини, меҳнат мароми нега бузилганлигини сўрашга ҳақлидир. Доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг иши, ишчилар мажлисларининг мунтазам ўтказилиши бунга ёрдам бериши лозим. Ҳозир кадрларга нисбатан юксак талабчанлик, ташаббус ва омилкорликнинг йўқлиги учун қаттиқ жавоб талаб қилиш партия ташкилотларининг, халқ депутатлари Советларининг, касаба союзларининг ишида қонда бўлиб қолиши лозим.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, илмий муассасаларда, бошқарув соҳасида, аҳолига маиший хизмат қилишда тартибни мустаҳкамлаш керак. Маҳаллий Совет органлари корхоналарнинг меҳнатчилари ҳамма хизматлардан ўзларининг бўш вақтида фойдалана олишлари учун маиший хизмат муассасалари, юридик конторалар ва судлар, коммунал хўжалиги иш графигини шунга мослаб тузишлари зарур.

Партия ва касаба союзи ташкилотлари меҳнат коллективларининг ҳоҳиш-иродасини ифодалаб, одамлар билан тарбиявий иш ўтказиш воситаларини доимо кўпайтиришлари ва такомиллаштиришлари лозим. Ўртоқлик судлари, халқ контроли группалари ва постларининг активлигини кучайтириш, иш вақтидан фойдаланишни текшириш юзасидан оммавий рейдлар ва кўрикларни тез-тез ўтказиб туриш, ахборот ва пропаганда воситаларининг таъсирчанлигини ошириш керак. Интизомни мустаҳкамлаш учун кураш ва дабдабали сўзлар эмас, балки амалий иш керак, ишлаб чиқаришнинг ҳамма ички резервларидан фойдаланишга, экономиканинг самарадорлигини оширишга қаратилган пухта ташкилотчилик қилишнинг зарур.

(«ПРАВДА» газетасининг 27 декабрдаги бош мақоласи).

МОСКВАЛИКЛАРНИНГ МУҲИМ ТАШАББУСИ

КПСС XXVI съезди белгилаб берган режаларни амалга оширишга Москва меҳнатчилари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ўн бир ойлик ишлаб чиқариш программаси муддатидан илгари бажарилди. СССРнинг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан пойтахт КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланишига москваликлар зардбор меҳнат билан жавоб бердилар. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси пешқадамларининг куч-ғайратлари бу йилги планларни муваффақиятли тугаллашга, беш йилликнинг марказий, учинчи йилида юксак унумдорлик билан меҳнат қилиш учун яхши шарт-шароитларни яратиб қўйишга қаратилган.

Шаҳар халқ хўжалиги барча тармоқларининг коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган мусобақа тажрибасидан кенг фойдаланишга, ички резервларни тўла-тўкис ишга солишга интилмоқдалар. Пойтахт партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида: «Партия, давлат ва меҳнат интизомини ҳар қандай бузиш ҳолларига қарши янада қатъият билан кураш олиб бориш лозим», деган кўрсатма ўзининг ишини анализ қилиш кўпгина камчиликларни ички резервлар ҳисобига тугатиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдирмоқда. Пойтахт коллективлари шунга асосий эътибор бермоқдалар. Октябрь 60 йиллиги номидаги автотрактор электр аппаратлари, СССР 50 йиллиги номидаги ҳисоб-аналитик машиналари, автомат линиялари заводларида, «Парижская Коммуна» фабрикасида, Главмосавтотранса қарашли 1-автомобиль комбинатида, 3-уйсозлик комбинатида, «Иккинчи соат заводи», С. Оржоникидзе номидаги «Станкозсозлик заводи» бирлашмаларида ва бошқа корхоналарда ҳар бир участкада, ҳар бир иш жойида юксак уюшқоқлиққа эришишга, иш вақтининг зое ўтишига барҳам беришга қарор қилинди.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини активроқ жорий этиш, ўзини оқлаган ягона наряд билан ишлаш методларини кенг оммалаштириш, коллективларнинг состави барқарор бўлишига интилиш, кадрлар қўнимсизлигини имкони борича камайтириш учун кўп иш қилинмоқда.

Ҳар бир меҳнат коллективи — яхлит халқ хўжалик комплекси занжиридаги бир халқадир. Бинобарин, қатъий графикка мувофиқ ишлаш, турдош касб эгасининг меҳнати ва вақтини ҳурмат қилиш, тежаш керак. Ишлаб чиқариш топшириқларини сўзсиз бажариш ҳар бир коллектив учун қонун, шон-шараф ва ишчилик ор-номуси бўлиб қолиши лозим. Ташаббус билан майдонга чиққан пойтахт меҳнатчиларининг куч-ғайратлари мана шунга қаратилган. Онгли интизом ва уюшқоқлик, ишга масъулият билан қараш, ҳамиша ўртоққа ёрдам беришга интилиш — меҳнат аҳлининг мана шу энг яхши фазилатларини коллективларда ҳам, завод йўлакларида ҳам қарор топтириш зарур.

Пойтахтда юзага келган меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш йўлидаги кенг ҳаракат ташаббускорларининг тажрибаси ҳар бир корхонада, ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги ва сифатини анча ошириш имконини берди. Белгиланган юксак кўрсаткичларга ҳеч қандай қўшимча моддий чиқим ва бошқа харажатларсиз эришиш режаси тузилаётганлиги муҳимдир. Москваликлар бошлаган ҳаракатнинг зўр иқтисодий ва тарбиявий нафи мана шундан иборат.

Партия ва жамоат ташкилотлари тушган таклифларни кўриб чиқиб, коллективлар қабул этган мажбуриятларни кенг миқёсдаги ташкилотчилик ва сиёсий иш билан мустаҳкамлоқдалар. Ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, социал вазифаларни планли ҳал этиш, одамларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, коллективларда яхши микроқлимни вужудга келтириш юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. Онгли меҳнат интизоми руҳида тарбиялашда новаторлар ва ветераналарнинг тажрибасидан, ишчи мажлисларидан, меҳнат шуҳрат кенгашларидан, мураббийлик ҳаракатидан, коммунистик меҳнат мактабларидан ҳам тўла-тўкис фойдаланиш белгиланди.

Коллективларда микроқлимни яхшилашга доир тадбирлар системасида ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши аниқ мақсадни кўзлаб актив кураш олиб борилмоқда. Ичкиликбозлик меҳнат коллективини кемирадиган энг ёвуз душман эканлиги таъкидланди. Москваликлар спиртли ичимликларни истеъмол қиладиган, нисонлик шанидан ва ишчилик обрўсидан маҳрум бўлган кишиларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтиришга чақирдилар.

Ташаббускор коллективлар барча москваликларни онгли интизом ва қатъий тартибни таъминлашга, меҳнатни пухта ташкил этишни моддий ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, шу билан бирга фан, бошқарув, аҳолига хизмат қилиш, шаҳар хўжалиги муассасаларида, шунингдек меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида ҳам ҳар кунги нормага айлантиришга даъват қилдилар.

Пойтахт корхоналари ва ташкилотларининг жуда кўпчилиги аҳиллик билан пухта ишлаб турибди, бироқ, ҳатто уларнинг энг яхшиларида ҳам камчиликлар ва фойдаланилмаётган резервлар бор. КПСС Москва шаҳар комитети партия, совет ва комсомол ташкилотлари олдига ҳар бир коллективнинг фаолиятини таҳлил этиш, танг жойларни аниқлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишда юксак уюшқоқлик ва аҳиллик вазиятини вужудга келтириш соҳасидаги ишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш вазифасини қўймоқда.

Онгли интизом ва уюшқоқликни янада мустаҳкамлаш ишда социалистик мусобақанинг, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатининг тарбиявий имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилмоқда. Коллективларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилган мажбуриятлари комплекс ҳаракатерда бўлиши, ташкилий-техникавий, тарбиявий ва ҳуқуқий тадбирларни ўз ичига олиши муҳимдир. Ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни пропаганда ва агитация қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш билан узвий бирликда планли равишда амалга ошириш, барча идеология муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб олиб бориш катта аҳамиятга эгадир.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатни авж олдириб юборган пойтахт илғор коллективларининг ташаббуси — москваликлар сиёсий етуклигининг, юксак активлигининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга оширишга, партиянинг халқ бахт-саодати тўғрисидаги ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб беришга ватанпарварларча интилаётганларининг ёрқин далилидир.

(ТАСС).

ТЕХНИКА ТАХТ

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида машина механизмларнинг ҳаммаси баҳорги дала ишлари бошланишидан анча олдин тахт қилиб қўйилди. Пахта, каноп ва маккажўхори экиладиган олтмиш еттита сеялкаларнинг ҳаммаси муддатидан анча илгари ремонт қилинди. Қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини назорат қилиш учун хўжаликда тузилган махсус комиссия экиш агрегатларини тайёрлаш сифатига юксак баҳо берди.

Колхознинг марказий ремонт устахоналарида меҳнатни оқилона ташкил этиш ҳисобига ремонт ишларини жадал суръатда олиб боришга эришилди. Механизаторлардан иборат махсус бригадалар тузилди. Бу бригадалар ўртасида социалистик мусобақа авж олдирилди. Мусобақа якунлари ҳар ҳафтада чиқарилади.

Колхоз устахоналарини энг янги асбоб-ускуналар билан таминлаш ремонт ишларини тезлаштиришда катта роль ўйнади. Бу йилги мавсумда «Политотдел» ремонтчилари двигателларни таъминлаб турадиган стендларга, аккумуляторларни зарядлайдиган приборларга эга бўлдилар.

Шу кунларда колхозда тупроқни қайта ишловчи машина-механизмлар ремонт қилиб бўлинди, ўриш машиналарини тайёрлаш бошланди.

(ЎзТАГ мухбири).

ЯХШИ ДАМ ОЛИШ— МУВАФФАҚИЯТЛИ МЕҲНАТ ГАРОВИ

27 декабрь куни Тошкентда меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этувчи республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек республика меҳнаткашларининг дам олишини ташкил этишни янада яхшилаш борасидаги бутун ишлар партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг юксак талаблари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида қилган «СССРнинг олтмиш йиллиги» докладида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида олиб борилиши керак.

Республика комиссиясининг тавсиялари Сурхондарё областида қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Кейинги йилларда областда тобора кўпроқ ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари отпуска даврида ва дам олиш кунларида ташкилий равишда мароқли ҳордиқ чиқарадиган бўлиб қолганликлари қайд этилди. Оммавий дам олиладиган учта зона, дам олиш уйи ва дам олувчилар учун иккита база, еттита пионерлар лагери барпо этилган. Аммо меҳнаткашлар дам олишини ташкил этувчи область ва район комиссиялари республика комиссияси тавсия этган ва шу беш йилликда областда дам олиш муассасалари тармоқларини ривожлантириш перспектив планида кўзда тутилган барча тадбирларни бажариш учун зарур чораларни кўрмадилар. Унта район ва шаҳар шу пайтгача оммавий дам олиш зоналарига эга эмас, бир қанча санаторий-профилакторийларни барпо этиш чўзилиб кетди, дам олиш муассасаларини қуриш учун меҳнат коллективларининг маблағларини кооперациялаш ташкил этилмаган. Муҳокама якунларига биноан қабул қилинган тавсияларда область ва район комиссияларининг фаолиятини яхшилаш, Сурхондарё областида меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш борасидаги жамики ишлар савиясини ошириш чоралари белгиланди.

Мажлисда Андижон областининг «Савай» совхозида меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Совхоз маъмурияти, унинг партия ва касаба союз ташкилотларининг шу хусусдаги собитқадам иши маъқулланди. Бу ерда хўжалик меҳнатчилари ва уларнинг оила аъзолари дам олиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш махсус комиссия зиммасига юкланган бўлиб, унинг составига партия, касаба союз, комсомол ва маҳалла комитетларининг, халқ депутатлари посёлка Советининг, мактаб, спорт клуби, совхоз бўлимлари ва хизматларининг вакиллари киради. Меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этишни яхшилаш тўғрисидаги бўлим коллективни социал-иқтисодий ривожлантириш планига киритилган. Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ёшларга гоят мазмунли бўлмоқда. Комиссия «Савай» совхозининг меҳнаткашлар дам олишини ташкил этиш соҳасидаги тажрибасини бошқа коллективлар ўртасида оммалаштиришни тавсия этди.

Шу билан бирга қабул қилинган тавсиларда совхоз меҳнаткашларининг дам олишини ташкил қилишда ҳали мавжуд бўлган камчиликлар қайд этиб ўтилди, шу мақсадлар учун хўжалик коллективига давлат билан касаба союзлари бераётган имкониятлар ҳамда маблағлардан тўлиқроқ фойдаланиш имконини берадиган тадбирлар белгиланди.

Мажлисда меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этувчи республика комиссиясининг 1983 йилги иш плани тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

КЎКЛАМНИ КЎЗЛАБ

Пахта териш кампанияси тугаган бўлсада, Боёвут районидаги Ленин номли колхознинг далаларида моторларнинг шовқини тинмаяпти. Хўжалик механизаторлари далаларда қишки ишларни жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар.

Маҳаллий ўғит тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Колхозда тузилган ҳосилдорлик отряди ҳар куни далага камида 150 тонна — нормадагидан анча кўп органик ўғит олиб чиқмоқда.

Транспорт тракторларининг ҳайдовчилари Раҳматилла Йўлдошев, Ҳайдар Иброҳимов, Бешим Тўраев ва Пўлат Нормуродовлар зардборларча меҳнат қилмоқдалар. КПСС Москва шаҳар комитетининг бюроси маъқуллаган бу ташаббусни москваликлар бажонидил қўллаб-қувватладилар.

Қува районида қишлоқлари йилдан-йилга гуллаб-яшнаётган, социал-иқтисодий юксалаётган хўжаликлар кўп. Шулардан бири Димитров номли колхозидир. Колхозда пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, мевачилик йил сайин ривожлантирилиб, олинаётган социалистик мажбуриятлар ортиги билан бажарилянти. Хўжалик меҳнаткашлари ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида зўр уюшқоқлик, ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Бу ишда колхоз коммунистлари авангардлик қилмоқдалар. Колхозда 15 та пахтачилик, бити, озуқа тайёрлаш бригадаси, чорва ва қўйчилик фермалари бор. Буларнинг ҳаммасига коммунистлар етакчилик қиладилар. Колхоз правленеси ва партия ташкилоти кадрларни танлаш ва жойлаштиришда уларнинг қобиятига, ташкилотчилик фаолиятига алоҳида аҳамият беради. Шу нарса кўпга киритилаётган ютуқларнинг асосий омили бўлянти. Юбилей йили об-ҳавоси деҳқончилик учун, айниқса пахтачилик учун ноқулай келди. Шунга қарамай коммунистлар, тажрибали пахта усталари раҳбарлик қилган бригадалар мўлжалдагидан анча юқори ҳосил кўтардилар. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Аҳмаджон Алимқулов, «Ҳурмат белгиси» орденли Хикоятхон Ўлмасова, район партия комитетининг аъзоси Муҳаммаджон Кўчқоровлар бошлиқ бригада аъзолари ҳосилдорликни 49—55 центнерданга етказдилар. Колхоз бўйича эса 905 гектар ердан 4 минг тоннадан ортиқроқ хирмон кўтарилиб, ҳосилдорлик жиҳатидан областда энг юқори кўрсаткичга эришилди.

— Шу кеча-кундузда барча меҳнаткашларимизнинг бутун диққат-эътибори 1983 йил мўл ҳосилига пухта замин яратишга қаратилган, — дейди колхоз правленеси раиси қўш Ленин ордени кавалери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Абдурасул ака Юнусов.

Саксон процент майдонимиз сифатли шудгордан чиқарилди. 24 тажрибали механизаторларимиз 2 группага бўлиниб ҳар куни 80—90 гектар майдонни шудгор қилишяпти. Бир йўла экин майдонлари минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилмоқда. Ўзаро социалистик мусобақада Қаҳҳорали Мирзараҳимов, Бекмирза Элмирзаев, Абдусалом Усмонов, Абдуллажон Эркабоев сингари механизаторларимиз пешқадамлик қилмоқдалар. Ариқ зовурларини тозалаш, яхоб бериш, экин майдонларини йириклаштириш ишларини бир-бирига боғлаб олиб бормоқдамиз.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» штатсиз мухбири.

* * *

СУРАТДА: колхоз бош агрономи Тўйчибой Тешабоев (чапдан), участка механиги Абдуллажон Жўраев билан шудгорланган майдонларни кўздан кечирмоқда.

Автор фотоси.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

ДОНГДОР СУТ СОҒУВЧИ ВАЪДАСИГА ВАФО ҚИЛДИ

Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красный Водопад» экспериментал базасидан мамлакатнинг донгдор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати А. И. Чуднаянинг иш методларидан фойдаланиб, ўз боқимидаги сигирлар сонини кўпайтириб, ҳар бир жонивордан мўл сут соғиб олдилар.

А. И. Чуднаянинг ишлаётган унинг шогирдлари эришган ана ўнлаб меҳнат ғалабаларини Анастасия Ивановнанинг муваффақиятига қўшиш мумкин. Кўпгина сут соғувчилар А. И. Чуднаянинг иш методларидан фойдаланиб, ўз боқимидаги сигирлар сонини кўпайтириб, ҳар бир жонивордан мўл сут соғиб олдилар ва ўртача ҳисобда 5.150 килограммга етказишни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ОЛИМЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Коллективимиз меҳнаткашлари бу йилги шароитда ҳам қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида айтса арзигулик ютуқларни қўлга киритдилар. Пахта, дон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни бир мунча кўпайтирдилар. Айниқса, Озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг салмоқли тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш борасида муайян ютуқларга эришилганлиги қувончли бўлди.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича зиммамиздаги план ва топшириқларни сезиларли даражада орттириб бажардик. Давлатга 94 тонна гўшт, 310 тонна сут, 63 минг дона тухум ва 64 центнер жун топширдик. Бу кўрсаткичлар планда белгиланганидан анча кўп.

Хўш, бу муваффақиятларга қандай эришдик? Бу ютуқлар ҳамма хўжаликларда бўлаётганидек, сидқидилдан қилинаётган меҳнат, чорвачиликни илмий асосда ривожлантиришга қатъий амал қилаётганлигимиз, резервлардан оқилона фойдаланаётганлигимиз натижасидир.

Чорвачиликни комплекс ривожлантиришдаги дастлабки қадамни Узбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлик қилишдан бошладик. Институт билан битим туздик, олимларни таклиф этдик, боримизни кўрсатдик, ниятларимизни айтдик.

Сут-товар фермасини, барча чорвачилик биноларини қайтадан реконструкция қилиб чиқдик. Янги биналар қурдик. Ҳозир 2 та озуқа цехи, 2 та дағал хашакларни майдаловчи цех, битта бугловчи цех ишлаб турибди. 45 минг тонна силос ва сенаж сигадиган ҳандақ тайёрладик. Чорвачиликдаги барча ишлар механизациялаштирилди. Эндиликда 7—8 киши бажарадиган ишни бир киши бажаряпти. Қишли-қировли кунларда барча чорва молларга илитилган сув бериш имкониятига эгамиз. Шу кунларда озуқа сифатини оширадиган янги цех қуряпмиз. Бунда сомон, дағал хашак ғўзапояга аралаштирилиб, юқори атмосфера босимида бугланади. Ғўза пўчоғидаги қанд моддаси сомон ва дағал хашакка сингиб уни ўта майин ва ширали ҳолатга келтиради.

Маҳсулот етиштириш ва тайёрлашнинг йил сайини кўпайиб бораётганлигининг яна бир асосий омили бор. У ҳам бўлса зардоб тармоғимизда ўз касбини яхши кўрадиган, уни қадрлай биладиган, шарафлай оладиган кишилар меҳнат қиляпти. Моҳир соғувчиларимиз Миннаввархон Чўтанова, Рўзихон Рустамовалар ўзларига бириктирилган 25 тадан сигирнинг ҳар биридан ўртача 3000 килограммдан сут соғиб олишди. А. Нурматов, В. Ҳусанов, Я. Иброҳимов сингари чўпонларимиз ўз отарларидаги ҳар 100 бош совлиқдан 115—120 тадан соғлом қўзи олиб, отарлар ичида отарлар яратишди. С. Раҳмонбердиев, Ҳ. Хўжабоев, О. Эргашев сингари молбоқарларимиз эса социалистик мусобақа ғолиблари бўлишди.

Қишлов—чорвадорлар учун катта синов. Бу масъулиятли даврдан муваффақиятли ўтиш учун ҳамма чораларни кўряпмиз. Чорва молларимиз соғлом. Улар сақланадиган биноларимиз етарли ва ремонтдан чиқарилган. Ем-хашак базамиз ҳам мўлжалдагидан ортиқ.

Чорвадорлар учун ҳамма шароитлар бор. Социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган. Мусобақа ҳар ўн кунда якунланади, ғолиблар мукофотлаб борилмоқда. Чорвачиликнинг ҳар бир тармоғида совхоз дирекцияси, партия, комсомол ташкилотларининг вакилларидан иборат навбатчилар тайинланган. Навбатчилар ҳар куни кундалик аҳвол тўғрисида ахборот бериб туришибди.

М. ИСАХОНОВ,
Марҳамат районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхозининг бош зоотехниги.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

Қишлов — чорвадорлар учун ниҳоятда масъулиятли, синов даври ҳисобланади. Бўйи чукур ҳис этган Чироқчи районидаги «Восход» совхозининг 1-бўлими чорвадорлари 8 мингдан знёд қўйни қишдан яхши олиб чиқиш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солишмоқда.

СУРАТДА: бўлим бошлиғи Абдурахмон Бердиранмов (ўнгда) ва бош чўпон Эргаш Ҳолмуродов билан.

Ж. Тўраев фотоси.

Тошкент область «Бўстонлиқ» паррандачилик фабрикасининг илғор оператори, СССР Давлат мукофоти лауреати, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари нишондори Саломат Сайдалиева СССРнинг 60 йиллиги тантаналари руҳи билан меҳнат қиляпти. У Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

СУРАТДА: Саломат Сайдалиева ўз қизи ва сменадоши Инобат билан.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

СССРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ— ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов докладини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси ҳужжатлари ва материалларини ҳамма жойда пропаганда қилиб, тушунтириб бермоқдалар. Партия ўқуви системасида уларни чуқур ўрганиш мақсадида қуйидаги намунали план асосида иккита машғулот ўтказиш тавсия этилади.

БОСИБ ЎТИЛГАН ЙЎЛ ЯКУНЛАРИ ВА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ВАЗИФАЛАРИ

ССР Иттифоқининг ташкил этилганлиги — жаҳон тарихидаги энг муҳим бурилиш моментларидан бири. Марксизм-ленинизм миллий масаланинг жамият социал, синфий структураси билан, мулкчиликнинг ҳукмрон типи билан узвий боғлиқ эканлиги тўғрисида. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи — уларнинг ихтиёрий жипслашувининг ғоявий-сиёсий негизи. Ленин партияси миллий сиёсатининг ўзагидир. Социалистик федерализм — озод бўлган миллатлар давлатга бирлашувининг В. И. Ленин кўрсатган бирдан бир тўғри йўли.

Совет Иттифоқини олтмиш йил мобайнида ривожлантиришнинг энг салмоқли якунлари, эксплуататорлик тузуми бизга қолдирган ҳолидаги миллий масаланинг СССРда муваффақиятли ҳал этилиши мамлакат кўп миллатли сотавини унинг заифлиги манбаидан куч-қудрати ва равнақи манбаига айланиши, миллий масалани ҳал этишда КПССнинг раҳбарлик роли.

Ривожланган социализм шароитида социалистик миллатларнинг бир-бирига тобора қалин яқинлашуви. Ҳар бир республиканинг умуман мамлакатни иқтисодий ва маданий юксалтиришга қўшаётган беқиёс ҳиссаси. Барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш. Халқларнинг ленинча дўстлиги — социализмнинг буюк ғалабаси. Рус халқининг бошқа халқларга қардошларча беғараз ёрдами, барча республикалар экономикаси ва маданиятининг гуллаб яшнаши. Рус тили—мамлакат ҳаётида, барча миллат ва элатларни бир-бирига яқинлаштиришда, уларни жаҳон цивилизацияси бойликларидан баҳраманд этишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган омил.

Ривожланган социализм шароитида КПСС миллий сиёсатининг вазифалари. Ишлаб чиқарувчи кучларни интеграциялаш, уларни жойлаштириш, регионал ихтисослашув ва кооперацияни янада такомиллаштириш. СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш—барча иттифоқдош республикаларнинг биринчи навбатдаги вазифаси. Барча республикаларни ривожлантиришда, уларнинг ҳамкорлигини чуқурлаштиришда транспортнинг иқтисодий, сиёсий ва психологик роли.

Барча миллатлар ва элатларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти натижасида миллий онгнинг ўсиши — қонуниятли, объектив жараён Социалистик миллатлар маданиятларининг бир-бирини бойитиши. Миллий муносабатларда ҳали учраб турадиган салбий ҳолатларни бартараф этиш зарурлиги. Совет кишиларини мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг ўзаро ҳурмати ва дўстлиги руҳида, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан бирдамлик, интернационализм руҳида тарбиялаш — аҳамияти жиҳатидан ўзгармас, доимий вазифадир.

Жамиятимизнинг етакчи кучи— совет ишчилар синфи миллий отрядларини ўстиришга партиянинг эътибори. Республикаларда яшаётган барча миллат ва элатлардан малакали ишчилар тайёрлашни кенгайтириш ва яхшилаш вазифалари.

Социалистик демократияни чуқурлаштириш. Жамоат ва давлат ишларини бошқаришда барча миллат меҳнаткашларининг тобора кенг қатнашуви— сиёсий ҳаётимизнинг етакчи тенденцияси. СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида Коммунистик партиянинг алоҳида ғамхўрлиги. КПСС — Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатлар бирлиги, жипслигининг жонли тимсоли. Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги.

СССР—ХАЛҚЛАР ТИНЧЛИГИ ВА ОЗОДЛИГИ УЛУҒ ИШИНИНГ ТАЯНЧИ

Жаҳонда биринчи социализм мамлакати изчиллик билан ўтказиб келаётган принципиал янги, ленинча ташқи сиёсат. Социалистик интернационализм принципи —янги типдаги халқаро муносабатлар негизи. Социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги —ҳозирги дунёда ғоят катта самарали роль ўйнаётган қудратли, соғлом организм. Социалистик талабаларни ҳимоя қилиш, тинчликни мустаҳкамлаш ва кескинликни юмшатиш учун биргаликда курашиш, сиёсий ҳамкорликни янада такомиллаштириш, иқтисодий интеграция жараёнига янги омил бахш этиш ҳамдўстлик мамлакатлари олдида турган вазифалардир.

Миллий проблемани социалистик негизда ҳал этиш тажрибасининг халқлар озодлик кураши учун аҳамияти.

Совет Иттифоқининг мустамлакачиликни тугатиш йўлидаги актив ва қатъий кураши, халқлар озодлиги ва тенг ҳуқуқлилиги ишини муттасил қўллаб-қувватлаётганлиги.

СССРнинг дунёдаги обрў-эътибори ва нуфузи ўсганлиги. Барча қитъалардаги мамлакатлар билан тинч ҳамкорликни ривожлантириш. Тинчтотув яшаш принциплари— СССР ташқи сиёсатининг асоси ва бу принципларнинг халқаро миқёсда кенг эътироф этилиши. Ғарбдаги энг урушқоқ гуруҳларнинг СССР га ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши курашда активлашаётганлиги. Империалистларнинг социалистик мамлакатларга қарши иқтисодий уруш, уларнинг ички ишларига аралашиш режалари. СССР ҳамда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари устидан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишлари муқаррар барбод бўлади.

Вашингтоннинг ҳозирги сиёсати халқаро вазиятни ғоят хатарли даражада кескинлаштирганлиги. АҚШ ва унинг бошчилигидаги НАТО блоки кўраётган ҳарбий тайёргарликларнинг мислсиз кўламлари. Барча халқларнинг ядро урушига йўл қўймаслик, уруш оловини ёқувчиларни тўхтатиб қолиш тўғрисидаги талаби. Ядро урушининг ва қуролланиш пойгасининг олдини олиш — давлатлар ўртасида ишончни тиклаш, кескинликни юмшатишга қайтиш борасида Совет Иттифоқининг янги таклифлари. Европада тинчликни сақлаб қолиш юзасидан совет таклифлари.

Совет Иттифоқининг ялпи тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик учун, ҳозирги ва келгуси авлодларга осойишта тинч келажакни таъминлаш учун олиб бораётган изчил ва астойдил кураши.

АДАБИЁТ

В. И. Ленин. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида. ТАТ 25-том, 293—302-бетлар.

В. И. Ленин. Миллатлар тўғрисидаги ёки «Автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир. ТАТ, 45-том, 402-406-бетлар.

Совет Социалистик Республикалари иттифоқи ташкил этилганлигининг 60-йиллиги тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг қарори. М., Сиёсий адабиёт нашриёти, 1982.

Жаҳон парламентлари, ҳукуматлари, сиёсий партиялари ва халқларига.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг 1982 йил 22 декабрда қўшма тантанали мажлисида қабул қилинган Мурожаат. «Правда», 1982 йил, 23 декабрь.

Ю. В. Андропов. СССРнинг 60 йиллиги. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида қилинган доклад. «Правда», 1982 йил 22 декабрь.

К. У. Черненко. Кремлнинг Съездлар саройидаги қўшма тантанали мажлисда сўзланган нутқ. «Правда», 1982 йил 22 декабрь.

ОҚАР СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИНГ

БИЗНИНГ ТАВСИЯЛАР

Бу йилги куз фасли кўп ёғингарчилик бўлганлиги билан фарқ қилади. Натижада ҳамма жойда тупроқ яхши намланди. Бу, ерларни суғормасдан шудгор қилиш имконини беради. Шу боисдан таомилга кириб қолган шудгор олдидан суғориш усулидан воз кечиш, тупроқ кучли қуриган жойлардагина суғоришни йўлга қўйиш даркор.

Ўзбекистоннинг табиий шароити вегетация даврида қариб 2,5 миллион гектар майдонни суғоришни тақозо этади. Ана шу майдонларнинг тахминан ярми шўри ювилишга муҳтождир.

Шўр ювиш сони ва сув сарфининг нормаси тупроқ шўрланишининг даражасига қатъий боғланган бўлиши керак. Бунда шўрланиш даражасини аниқлашнинг визуал усулларидан кенг фойдаланиш даркор. Далаларни кўздан кечириш чоғида шўрхокликларга, тупроқ юзасидаги тузларнинг рангига, ўсимликларнинг ҳолатига эътибор бериш, шўрланиш даражасини аниқлашга область агрохимия лабораториясини кенг жалб этиш даркор.

Шўр ювишни бошлашга қадар ҳар бир даланинг шўрини ювиш нормасини аниқлаш, фақат шўри босган ерларнигина суғориш тавсия этилади. Чунки мелиоратив ҳолати яхши бўлмаган районларда ҳам майдонларнинг бир кисми шўри ювилишга мухтож бўлмайди. Бундай майдонларга оз миқдорлаги сув билан яхоб берилса етарлидир. Бу, анчагина оқар сувни тежаб қолиш имконини беради. Шўр ювишни тупроқнинг механик состави, сизот сувларининг қандай чуқурлиқда жойлашганлиги ва ёғингарчиликлар миқдорига қараб табақалаштириш даркор. Енгил тупроқли майдонларда шўр ювиш нормаси оғир тупроқли майдонларникига нисбатан кам бўлмаслиги лозим.

Шўр ювиш муддатлари катта аҳамиятга эга. Мирзачўл, Жиззах дашти, Қоракўл воҳаси, Бухоро воҳасининг қуйи қисми, Фарғона водийсидаги сизот сувлари якин жойланган оғир тупроқли майдонларда шўри қиш фаслида ювиш мақсадга мувофиқдир. Бу пайтда сизот сувлари бирмунча пасаяди. Фарғона водийсининг механик таркибига кўра ўрта ва оғир тупроқли майдонларида, шамол кўп эсадиган зоналарда, Бухоро воҳасининг юқори қисмида, Қаршн, Сурхон-Шеробод даштларида шўрни киш фаслида ювиш сувнинг кўп сарф бўлишига олиб келади. Бу жойларда шўр ювишни қиш-баҳор даврида ўтказиш лозим. Бунда ерларнинг шўрини ювиш билан бирга тупроқда нам запаси ҳам вужудга келтирилади. Шўр ювишнинг СоюзНИХИ тавсия килган муддат ва нормалари барча пахтакор районларда 15—20 процент оқар сувни тежаб қолиш имконини беради.

Шўр ювишга қадар далаларни пухта планировка қилиш, шўр ювишни сифатли ўтказиш ва оқар сувдан тежамкорлик билан фойдаланишнинг асосидир. Шўр ювиш технологиясига риоя қилиш даркор. Бунда чекларнинг катталиги 0,25—0,50 гектардан ошмаслиги зарур. Ирик участкаларни сув билан бостириш шўр ювиш самарадорлигини пасайтиради, сув сарфини кескин ошириб юборади. Масалан, «дамба» усули кенг кўлланиладиган Қорақалпогистон АССРда сув сарфи Хоразм областидагига нисбатан 30 процент ортиқ бўлади. Хоразм областида шўр ювиш яхши текисланган, майдонлар ўртача 0,1—0,2 гектарлик чекларга бўлинган ҳолда амалга оширилади.

Сувнинг коллектор-дренаж шохобчаларига ташланишига барҳам бериш лозим. Афсуски, қиш фаслида бундай ҳоллар айрим районларда учраб туради.

Запас суғориш ва яхоб бериш шўр босмаган ва кучсиз шўрланган ерларда амалга оширилади. Бундай майдонлар республикада 1,3—1,5 миллион гектарни ташкил этади. Далаларни запас ва экиш олдидан суғориш муддатларини тўғри танлаш уруғни текис ундириб олиш гаровидир. Баъзида уруғни қуруқ тупроққа экиб, уни сув билан ундириб олиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу ҳолларда уруғнинг униб чиқиши кечикади, тупроқ ортиқча совутиб юборилади, чигитдан олдин униб чиқадиган бегона ўтларга қарши кураш учун кўп сарф-ҳаражат кетади.

Запас ва экиш олдидан суғориш технологияси катта аҳамиятга эга. Суғориш 16-18 сантиметр чуқурликдаги жўяклар бўйлаб амалга оширилса, оқар сувдан анча тежамкорлик билан фойдаланилади. Бунда жўяклар оралиғи 0,6—1,2 ёки 0,9 метр узунлиги эса 100—120 метр, қия жойларда эса 60—80 метр бўлиши даркор. Қўллатиб суғориш қурғоқчилик бўлган кезларда фақат оғир тупроқли майдонлар учунгина рухсат этилади.

Ҳар бир хўжаликда маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда шўр ювиш ва запас суғориш графигини тузиш даркор. Бунда оқар сувни бир жойга тўплаган ҳолда, кечаю-кундуз суғориш зарур.

Шўр босган ерларни ювиш даврида коллектор-дренаж тармоқлари ва вертикал дренаж қудуқлари самарали ишлаши керак. Дренаж сувларидан дарё суви билан аралаштирилган ҳолда кучли ва ўрта шўрланган енгил тупроқли ерларни ювишда фойдаланиш мумкин. Бунда сўнгги шўр ювишда, албатта дарё сувидан фойдаланилади.

Тавсияларни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги мутахассислари СоюзНИХИ олимлари билан ҳамкорликда тайёрлаган.

Поп районидаги «Коммунизм» колхозида кейинги йилларда тарғибот ва ташвиқот ишлари намунали олиб борилмоқда. Хўжаликда 20 нафар пропагандист, 32 нафар агитатор ва бошқа идеология фронти жангчилари актив фаолият юритмоқдалар. Колхоз парткоми секретари Мукаррам Иброҳимова бу ишларга ҳамиша бош-қош. Суратда: М. Иброҳимова.

Ж. Тўраев фотоси.

ОРЗУЛАРИ БОШЛАДИ ЙЎЛГА

Ҳали етар манзилим йироқ,
Орзуларим бошлади йўлга.

Радиодан ёқимли қўшиқ тараларди. Кечки овқатдан сўнг ошхонада товоқ-қошиқларни юваётган Ойпошша бир зум қилаётган ишини тўхтатди. Ёниб, беришиб қуйлаётган хонанданинг ёқимли овози ҳам, қўшиқнинг сўзлари ҳам уни бутунлай сеҳрлаб қўйганди. Қўшиқ гўё Ойпошша орзуларини қанотлантирар, кўпдан бери ўйлаб юрган режасини амалга оширишга отлантирарди. Қувноқ қўшиқ қанотида хаёлан парвоз қиларди у. Ниҳоят, тарона тугади.

—Бўлди, эртагаёқ фермага бораман, — деди у гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандек қатъий оҳангда.

— Ҳа, қаерга борасан, кизим? — сўради Дармонжон опа ишларини тамомлаб пешайвонга чиққан қизидан.

— Фермага, онажон, фермага! Сут соғувчи бўлмоқчиман.

— Яхши ўйлабсан, қизим. Оқ йўл тилайман, сенга!...

Шу-шу бўлди-ю, ўзи туғилиб-ўсган Чапаевхадра қишлоғидаги 14-мактабни битирган Ойпошша тўппа-тўғри Чапаев номли колхоз суттовар фермасининг мудири Хўжабой ака Сейдов ҳузурига бориб, мақсадини айтди. Мудир унинг ниятини бажонидил қўллаб-қувватлади. Ойпошша фермадаги пешқадам, тажрибали сут соғувчилардан бири Ражаббиби Маҳмудовага шогирд тушди. Устозидан сигирларни яхши парваришлаш, рацион асосида овқатлантириш, озуқасидан ўз вактида хабардор бўлиб туриш ва кўп сут соғиб олиш сир-асрорини ўргана борди. Бу орада юлдузи юлдузга тўғри келиб, собик синфдош дўсти, софдил йигит Рўзмат билан турмуш қурди. Шу тариқа меҳнатсевар, тиришқоқ сут соғувчи Ойпошша ва колхоз шофери, камтар, дилкаш йигит Рўзимат Ёқубовларнинг ҳам номи давраларда тилга олинадиган бўлди.

Кейинчалик пенсияга чиккан устози Ражаббиби опа Ойпошшага доимо: «Сигирнинг сути тилда бўлади, кизим. Ундан меҳнату эътиборингни аямасанг, жонивор ҳам сутни дариг тутмайди», —дер эди. Устози ўгитларига оғишмай амал қилган Ойпошша ишдан эжралмаган ҳолда қишлоқдаги Киров номли 32-ҳунар-техника билим юртида таҳсил кўриб, «сут соғувчи оператор» гувоҳномасига ҳам эга бўлди. Фермадаги Зулфия Собирова, Сайёра Юнусова, Гулнора Худойберганова сингари ўндан знёд сут соғувчи дугоналари билан маслаҳатлашиб, ўрганиб-ўргатиб иш тутган Ойпошша юқори кўрсаткичларга эришаверди. Тажриба, маҳорати ҳам оша борди.

У 1981 йили ўз қарамоғидаги 25 бош сигирнинг ҳар биридан 3 минг 500 килограмм сут соғиб олган бўлса, кейинги йили бу рақамни 4000 га етказишга муваффақ бўлди. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида эса соғиб оладиган сут баракасини янада кўпайтириб, 4500 килограммлик маррага эришиш учун азму қарор қилди. Бу борада у барча касбдошларига ибрат-намуна бўлмоқда.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам кўпинча бўш пайтларимни колхозимиз фермасида ўтказар, соғувчилар ишини ҳавас билан кузатар, лозим бўлганда уларга кўмаклашардим ҳам, —дейди Ойпошша касбидан фахрланиб. — Касб-кор эгалланиш ҳақида гап кетгудек бўлса, ўқитувчимиз Шарифа Жабборова: «Касбнинг, ҳунарнинг катта-кичиги йўқ, бироқ ҳамма гап ўз ишингга, бажараётган вазифангга не чоғли масъулиятни ҳис қилиб, садоқат билан ёндоша билишингда қолган,»— дерди. Менинг сут соғувчилик касбини ўрганишимда тўғри йўл кўрсатиб, кўмаклашган устозларимдан бехад миннатдорман.

Мана, қарийб бир йилдирки, Ойпошша Ёқубовани кўпчилик жонкуяр жамоатчи, область Советининг депутати сифатида ҳам яхши биладилар. Бинобарин, сайловчилардан тушган наказни бажаришга ҳам улгурди. Чунончи, «Урганч —Хива — Қўшкўпир — Чапаев номли колхоз» маршрути бўйича автобус йўлини ишга тушириш ҳақида эди. Ҳозир ана шу оралиқдаги йўл қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Яқин-орада эса мазкур линияда автобус қатнови йўлга қўйилиб, аҳоли учун яна бир қулайлик яратилади. Йўл қурилиши поёнига етказилиб, одамлар узоғини яқин қилишда ёш депутатнинг ҳиссаси ҳам салмоқли бўлди. Бошқа наказларни адо этишни ҳам ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

«Социалистик мусобақа аълочиси» нишони билан тақдирланган ёш сут соғувчи, халқ хизматкори — депутат Ойпошша Ёқубованинг орзулари қанот қоқмоқда. Коммунистик мўлкўлчиликни таъминлаш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга мумкин қадар ўз салмоқли улушини қўшиш иштиёқи, билими, маҳоратини ошириб бориш ва одамлар оғирини енгил қилишда баҳоли қудрат кўмаклашиш чапаевча Қўшкўпир қизининг дил орзуларидир. Зеро, бу ёруғ орзулар уни янада нурли, истиқболи порлоқ манзилларга элтиши шак-шубҳасиздир.

М. ТУРОБОВ.

Аму-Занг насос станцияси республикамиз жанубидаги энг улкан қурилиш объектларидан бири саналади. Бу иншоот ишга туширилгач, секундига 100 куб метр Амударё суви 40 метр баландликка чиқариб берилади. Юбилей йилида мазкур объектда «Сурханирстрой» трестига қарашли «Сурхон» механизациялашган кўчма колоннаси коллективининг ўзи 2 миллион сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишларини адо этди.

СУРАТДА: Аму-Занг насос станциясининг қурилишида монтаж ишлари олиб борилаётган пайт.

И. Хўжаев фотоси.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНГА ҲАМИША МАДАДКОРМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларида мелиорация ва ирригация ишларини жадал ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилган. Пленумда қабул қилинган СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришда мелиорациянинг ролини янада ошириш кўзда тутилган. Бу биз, мелиораторларнинг зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Бошқармамиз коллективи районимизда сув таъминотини яхшилаш, мавжуд суғориш тармоқларини реконструкция қилиш, улардан рационал фойдаланиш, янги-янги ирригация шахобчаларини барпо этиш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Районимизда ҳар йили пахта ва қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб келинмоқда. Бу борада бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бор.

Йил бошидан буён Свердлов номли колхозда сув таъминотини яхшилаш учун узунлиги 6 километрли канал қуриб битказилди ва бетонлаштирилди. Карл Маркс номли колхоз территориясидаги сув омбори реконструкция қилинди. Макрид массивидаги Шўробсой дарёси ўзанида 50 минг сўмлик иш бажарилди. Охунбобоев номли совхоз территориясида «Жар» каналида реконструкция ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. «Шарқ юлдузи» совхози территориясидаги насос станциясида биринчи комплекс ишга туширилди. Бу ерда айни пайтда иккинчи комплекс қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда.

Бундан ташқари йил охирига қадар «Зарафшон» совхозидан 200, «Варганза» совхозидан 100 гектар фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритдик. Нишондаги «Китоб» массивида ҳам катта ҳажмдаги ирригация ва мелиорация ишларини амалга оширдик. 12 километр узунликдаги канал қуриб битказилди. Жами, массивдаги 35 километр узунликдаги ички сув йўллари қазилди ва ободонлаштирилди. 2000 гектардан зиёд ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди.

Районимизда сув таъминотини яхшилаш учун амалга оширилаётган бу муҳим тадбирлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришнинг бош омили ҳисобланади. Ана шу мақсадда мелиораторларимиз сув исрофгарчилигига қарши курашиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, каналлар, коллекторлар тармоқларини тўғри эксплуатация қилиш, хулласи, обм-ҳаётнинг ҳар бир томчисидан тежаб-тергаб фойдаланишга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Хамма жойда ишнинг муваффакиятли бориши кадрларнинг билим ва маҳоратига, тажрибасига боғлиқдир. Бошқармамизда жами 50 нафар турли касбдаги ишчи, инженер-техник ходимлар хизмат қилмоқда. Макрид участкасидаги гидроучастка бошлиғи Абдурасул Юсупов, Шўробсой сув омбори инженер-гидротехниги Темир Самадов биринчи Оқсув гидроучасткаси гидротехниги Едгор Равшанов, гидротехниклар Бердимурод Хусанов, Ботир Қодиров, Эргаш Асқаров, инженер Бойғози Хидиров, механизаторлар Мурод Омонов, Махмуд Раҳимов, Ориф Муродов ўртоқлар ана шулар жумласиндандир. Улар ирригация ва мелиорация ишларини сифатли бажариш йўлида жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Б. ЭЛБОЕВ.
Қитоб район сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ БУГИНЛАРИ: МАҲСУЛОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

ЁЗ НЕЪМАТИ — ҚИШ ДАСТУРХОНИГА

СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш истиқболларини белгилаб берган КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини ўз иш фаолиятлари учун дастурламал қилиб олган коллективимиз қўзга кўринарли ютуқларни қўлга киритмоқда. Юбилей йили учун зиммага олинган мажбуриятлар барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари ортиги билан уддаланди.

СССРнинг шоҳли 60 йиллик юбилейи шарафига бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига яқдиллик билан қўшилган аҳил коллективимиз пландаги 350 минг ўрнига 400 минг шартли банка консерва маҳсулотлари тайёрлаб, аҳоли дастурхонига етказиб берди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида агросаноат комплексини ривожлантириш, аҳолининг мева ва сабзавот маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳамда бу соҳада интенсив ўсишга эришиш зарурлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди. Бунга жавобан коллективимиз аҳолини консерва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туришга азму қарор қилган. Бу йил сабзавотчилик ва боғдорчилик хўжаликларидан 950 тоннадан ортиқ мева, 100 тонна сабзавот маҳсулотлари қабул қилиб олинди ва қайта ишланди. Айниқса, план ва мажбуриятларимизнинг ошириб бажарилишида Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли, «Правда», «Маданият» колхозларидан мева-сабзавот маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилганлиги муҳим роль ўйнади.

Ишчи - хизматчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз консерва маҳсулотлари турини кўпайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Улар бу борада берган сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Қулупнай мураббоси, мева шарбати тайёрлаш планлари ошириб бажарилди. 160 минг шартли банка помидор, 155 минг шартли банка бодринг, 20 минг шартли банка карам сиркаланди. Пойтахт область ва Тошкент шаҳри савдо тармоқларига 30 минг банкадан ортиқ олхўри, беҳи, олма қиёмлари жўнатилди.

Муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, албатта. Бу — аввало цехимиз коллективи ўртасида уюштирилган ўзаро социалистик мусобақа самарасидир. Мусобақа якунлари ҳар беш кунликда якунланиб, ғолиблар рағбатлантириб борилади. Ишни шу зайлда ташкил этганлигимиз ўз самарасини бермоқда. Мусобақада Ҳакима Исломова, Анастасия Артемова, Майя Ким, Қодир Қучаров каби ишчилар ҳозирги кунда 1983 йилнинг май-июль ойлари ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Цехдаги барча ишлар механизациялаштирилди. Қўшимча автомат линиялар ўрнатилди. Цех қисқа вақт ичида қайта реконструкция қилинди. Натижада шу йилнинг ўзида 30 минг сўм соф даромад олинди. Ҳали олдимизда бундан буён амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар турибди. Цехни қайта жиҳозлаш, кенгайтириш ишлари давом эттирилади. Шу тадбирлар асосида йилига 500-600 минг сўмлик мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилади. 1983 йили савдо тармоқларига 750 минг тонна туз тушган сабзавот, 600 минг шартли банка консерва маҳсулотлари етказиб беришни кўзда тутмоқдамиз. Бу — СССР Озиқ-овқат программасини бажаришга коллективимиз қўшган ҳисса бўлади.

Ж. УСМОНОВ.
Тошкент область матлубот жамиятлари союзига қарашли 3-консерва цехининг бошлиғи.

ИЖОД — ҚАЛБ МАҲСУЛИ

Ҳаваскор қаламкашларнинг машқларини ўқиб...

Дўстлар гурунги, турли суҳбат, мулоқотларда кўпинча «Кўнглингдагини айт», «Юракдан гапир», «Юрак сўзлари» деган ибораларни учратамиз. Бинобарин, уларда жон бор. Негаки, оддий суҳбатдами, лекциядами, қаерда бўлишидан қатъий назар, топиб гапирилса, юракдан сўзланса, тингловчи баҳра олади, кетган вақтига ачинмайди. Қалбдан чиққан сўз қалбга етиб боради, дейишлари ҳам бежиз эмас. Шеърда эса бу нарса яна ўзгачароқ маъно касб этади. Муайян мавзу асосида қалам тебратган ижодкор сўзларни жой-жойига қўйиб, ўринли ишлатиши билан ўқувчини ҳайратлантириши, қутилмаган образлар, янгича ташбеҳлар воситасида шеърхон кўнглини забт эта олиши лозим. Акс ҳолда шоир кўзланган мақсадга эриша олмай, ўқувчининг ихлосини қайтариб қўйиши мумкин.

Ана шу талаб нуқтаи назаридан редакциямизга келган шеърий машқларни кўздан кечирадиган бўлсак, кўпгина ҳаваскорларнинг ижод масъулиятини ҳис қилган ҳолда қўлларига қалам олганликлари англашилади. Сўзимизнинг исботи учун самарқандлик Ойсифат Абдуҳоҳиднинг «Нафис ёғду сочиб...» мисралари билан бошланадиган шеъридан олинган қуйидаги парчани келтирамиз:

Нафис ёғду сочиб
жилваланар ой,
Майинлик улашиб эсар
саболар.
Тошларни забт этиб
шошилади сой,
Гўёки чалинар шўхчан
наволар.

Юқоридаги сатрлар орқали Ойсифат қишлоқ оқшоми, табиат манзарасини ўзига хос равишда ўринли топилган сўзлар воситасида чизишга ҳаракат қилган. Бу йўлда муваффақиятга ҳам эришган. Лекин шу ҳаваскорнинг «Келажак сари» ва «Тўрғайлар»и ҳали биз юқорида у ҳақда фикр юритганимиз —сарлавҳасиз шеър даражасига кўтарилмаган. Негаки, уларда янги топилма, ўринли қиёслашлар етарли эмас. Биз умидбахш сатрлар тизган Ойсифатга айтмоқчи бўлган гапини ўқувчининг фақат қулоғи билан эшитиши эмас, балки қалби билан ҳис қилиши, ёрқин тасаввур этишини таъминлаш маҳоратини ошириш истагини билдирамиз.

Табиатнинг инжиқликлари туфайли республикамиз далаларида бу йил олти миллион тоннелик улкан «оқ олтин» учун кураш ноқулай об-ҳаво шароитида олиб борилди. Лафзи ҳалол, эътиқоди юксак, азамат, танти пахтакор-деҳқонларимиз қору ёмғир, селу дўлга ўзларининг матонатларини қарши қўйдилар. Бу умумхалқ ишида шаҳарлик ҳамнатли ҳашарчилар уларнинг қанотига кириб, ҳамкор, мададкор бўлишди. Қўлимиздаги шеърларнинг аксариятида ана шу дуру жавоҳиримизни саранжом-саришта қилиб, йиғиштириб олишда қатнашаётган шоировлар ҳақида ҳикоя қилинган. Бу ўринда фарғоналик **Қаҳҳор Мирзақўлатов**, андижонлик **Мўминжон Маъмуров, Олимжон Матмуродов, Нусрат Абдусаломов**, тошкентлик **Иззатилла Пирметов** ва наманганлик **Комилжон Маматов**ларнинг шеърлари анча дуруст чиққанлигини эътироф этиш керак. Андижонлик **Расул Шокиров** машқларида поэтик ибораларнинг мавжудлигини ушлаганимиз ҳолда, бу ҳаваскорга сатрларини мунглиоҳанглардан халос қилишини маслаҳат берамиз. Расулжон мутолаани давом эттириб, ўзи қаламга олган мавзу бўйича бадиий умумлашмаларни кучайтиришга алоҳида эътибор берса, келажакда кўпчиликка маъқул бўларли асарлар яратиши мумкин.

Қорақалпоғистонлик **Бозорбой Умаров**, самарқандлик **Мели Бобоқулов**, наманганлик **Маҳмуд Комилов**, андижонлик **Абдураим Неъматов, Абдураим Тўймуродов, Ҳакимжон Йўлдошев, Одилжон Эгамбердиев**, хоразмлик **Рўзибой Нурматов**, фарғоналик **Нормат Ҳолматов** ва **Набижон Мамадалиев**ларнинг дала меҳнаткашлари, меҳнат, тинчлик ва дўстликка бағишланган шеърлари равон ўқилади. Бу ҳаваскорлар машқларида қофия, вазн ва туроқлар ҳам жойида. Аммо энг муҳими, мазкур тизмалар муаллифлари ўзлари қаламга олган мавзуни образли ифодаларда атрофлича очиб беролмаганлар. Ҳаваскорлар ўзларининг тор фикр доираси билан чекланиб, мавжуд воқеани юзаки баён қилишган. Фикр топиш бошқа-ю, бироқ уни мақсадга бўйсундириб поэтик мисраларда чуқур бадиий қилиб ифодалаб бериш бошқа парса. Яхши ният билан қўлига қалам олган ҳаваскорлар буни асло ёддан чиқармасликлари даркор.

Навбатдаги бир гуруҳ шеърлар ҳақида фикр юритишдан олдин **Эрмамат Жумаев** (Самарқанд)нинг **«Истак»** шеъридан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Истагим шу: дўстлар бўлсин саломат,
Қулиб боқсин мудом бахт ила омад.
Мангуга йўғрилса тинчлик дунёда,
Инсонлар яшарса, қандай знёда.

Келтирилган тўрт сатрда яхши истак билдирилган. Аммо у ҳар қанча яхши истак, ният бўлишидан қатъий назар, ҳали у шеър эмас. Чунки юқоридаги парчада ижодкор изланишларининг маҳсули бўлмиш ўхшатиш, сифатлаш ёки образли ибораларга кўзга чалинмайди. Бундан ташқари, тўртинчи мисрадаги **«қандай знёда»** сўзлари зўрма-зўраки, қофия учунгина келтирилган. Ўз ҳолича бирор вазифани бажармаяпти. Шу ҳаваскорнинг «Табиат ва инсон», «Ўзбекистон» шеърларида ҳам янги гап йўқ.

Шайдулла Сариев (Сурхондарё), **Гулнора Аликулова** (Самарқанд), **Собир Бобоев** (Қашқадарё), **Вали Аҳмаджонов, Ғанижон Умаров** (Фарғона), **Қодирберган Ғойибов, Сафаргул Эгамбердиева** (Хоразм), **Эргаш Ҳамидов, Насриддин Мусаев** (Наманган) ва **Мажид Қаюмов** (Жиззах)ларнинг Ватан, пахтакорлар меҳнати ва севги-муҳаббатни улуғлаш мақсадида ёзган шеърлари нурсиз, ширасиз. Уларда эҳтирос, жозиба йўқ. Бу ҳаваскорлар тизган қароратсиз, жўн мисралар мавҳум, ҳаётдан, меҳнатдан, ижтимоий турмушдан йироқ бўлиб қолган. Улар ҳатто шеъриятнинг оддий қонун-қоидалари —қофия, туроқ ва вазнга ҳам эътибор беришмаган. Бинобарин, ушбу тонф-даги машқларини бизга юборган қаламкашларга устозлар бисотидан қунт-сабот билан ўқиб-ўрганиш, машқни давом эттираверинг ва маҳоратларини ошира боришларини маслаҳат берамиз.

Бир группа ҳаваскорлар ўз кучларини насрда синаб кўрмоқчи бўлишибди. Наманганлик **Аъзам Йўлдошев**нинг «Мендан актёр чиқмасмиш» ҳажвияси, сурхондарёлик **Хўжамурод Тоштемировнинг «Тўрт юз сўм»** воқеий ҳикояси бир мунча ҳаётий, уларда анча жон бор. **Узоқбой Саксонбоев**да (Андижон) ҳам кўрган-кечирганларини қоғозга тушириш, воқеаларнинг муҳим-номуҳимини ажрата олиш кўникмаси бор. Қатралардаги баднийликни оширса, яхлит умумлашмалар чиқаришга эришса, айни муддао бўлади. «Докторнинг оғир иш куни» сарлавҳали ҳикоясини бизга юборган **Абдурасул Раҳимов** (Сурхондарё) ғўза дефолиацияси ва у билан боғлиқ муаммоларни ўртага ташлаётган бўлган. Аммо муайян сюжет ва композиция тополмагани учун мақсадига эришолмаган. «Тил—адабиётнинг биринчи элементи» (М. Горький) эканини унутган. Фарғоналик **Нўъмон Собиров**, қашқадарёлик **Нормамат Тоғаев** ва сирдарёлик **Муҳиддин Бўлтаков**ларнинг машқларида ҳам ҳаётий ҳақиқат ўринли равишда бадиий ҳақиқатга айлантирилмаган.

Баднийликдан маҳрум қурқ риторик сўзлар ўқувчи туйғуларига таъсир этишдан ожизлигини ҳаваскорлар бир дақиқа бўлса-да, унутмасликлари лозим. Зеро, Ўзбекистон ССР халқ шоири Шукрулло: «Шеъриятнинг кучи фикрларнинг янгилиги, ифодаларнинг баднийлиги, қиёсларнинг оригиналлигидир», деганда юз фоиз ҳақ. Унинг бу шарҳи бевосита назм ва айни чоғда насрга ҳам дахлдордир. Шундай экан, ҳар бир ҳаваскор янги фикрни ўзига хос оригинал формада, баднийбўёқлар воситасида ўқувчига тақдим этишни ўзининг бирдан-бир вазифаси деб тушунмоғи ва бунга амал қилмоғи ҳам фарз, ҳам қарз.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ЖИЛОВЛАНСИН

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). АҚШнинг собиқ давлат секретари С. Вэнс билан Миллий хавфсизлик кенгашининг собиқ ходими Р. Хантер қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаш мақсадида актив куч-ғайрат сарфлашни давом эттиришга чақиришдилар.

Улар «Нью-Йорк таймс» газетасида эълон қилинган мақолада қуйидагиларни таъкидлайдилар. Ядро қуролини қўпайтирмаслик учун, АҚШда «МХ» янги қитъалараро баллистик ракеталарини ва Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган ядровий ракеталарини жойлаштиришга қарши ҳаракат кенг кулоч ёзганлиги муносабати билан қуролланиш пойгасини чеклашга алоқадор масалалар «алоҳида ўткирлик билан кўндаланг бўлиб қолмоқда», «Қурол-яроғлар устидан контроллик проблемаларига яна қизиқа бошланганлиги ҳозир жуда ўринлидир», деб ҳисоблайди мақола авторлари. Ҳозирги вақтда дунёда 50 мингтадан кўпроқ ядро заряди қалпоқ тўплаб қўйилган, уларнинг анча қисми Хиросимага ташланган ва юз мингдан кўпроқ кишининг ёстиғини қуритган атом бомбасига нисбатан анча кўп қудратга эгадир, деб уқтиришади улар. «Уларнинг жами портлаш қудрати инсониятнинг бутун тарихи мобайнида ишлатилган ҳамма қурол-яроғларнинг қудратидан бир неча баравар ошиб кетади», деб таъкидланади мақолада.

Башарти Қўшма Штатлар ҳам, Совет Иттифоқи ҳам айни вақтда иккинчи томоннинг хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашадиган тадбирларни кўрмас эканлар, уларнинг иккаласи ҳам ўзини ядровий ҳалокатдан ҳимоя қилиб қола олмайди», — деб уқтиришади С. Вэнс билан Р. Хантер. Уларнинг фикрича, бу тадбирлар ҳамкорликка ва коллектив хавфсизликка асосланиши керак. «Қурол-яроғлар устидан текшириш мумкин бўлган оқилона, мувозанатли, комплекс контроллик қилиш тўғрисидаги битимлар —Қўшма Штатларнинг хавфсизлигини, Совет Иттифоқининг хавфсиздигини таъминлашнинг, қисқаси барча давлатларнинг коллектив хавфсизлигини таъминлашнинг тарихий элементидир», деб таъкидлашади мақола авторлари.

С. Вэнс билан Р. Хантер айни АҚШ қуролланиш пойгасини чеклаш соҳасида бир қанча муҳим Совет —Америка аҳдномаларига эришишни барбод қилганлигини моҳият эътибори билан тан оладилар. Шу аҳдномалар орасида улар ядро қуролининг ер ости синовларини чеклаш тўғрисидаги, тинч мақсадларда ер остида ядро портлатишлари ҳақидаги шартномаларни ва СҚЧ-2 ҳақидаги шартномани тилга оладилар, бу шартнома ва битимлар Америка сенатига ратификация қилиш учун тақдим этилмаганлигини эслатадилар. Мақола авторларининг таъкидлашича, ҳозирги вақтда «Рейган маъмурияти ядро қуроли синовларини тўла-тўкис ва ёлпасига тақиқлаш тўғрисида шартнома тузиш йўлида 20 йилдан бери қилиб келинаётган ҳаракатлардан бош тортди».

АҚШ «қурол-яроғлар устидан контроллик қилиш проблемалари хусусидаги музокараларни Шарқ билан Ғарб ўртасида бахс кетаётган бошқа масалалар билан сунъий равишда боғламаслик керак», «боғлаш концепциясининг ўзи жиддий хатодир», деб мақолада алоҳида таъкидлаб ўтилади. «Қурол-яроғлар устидан контроллик қилиш Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мафкуравий ихтилофларга чек қўймайди», деб таъкидлашади мақола авторлари. Бироқ, С. Вэнс билан Р. Хантернинг фикрича, қуролланиш пойгасини жиловлаш жараёни иккала томонга «ядро жаҳаннамидан бир қадам орқага ташлаш ва қурол-яроғларнинг вазлитини бекарор қилувчи системаларини жойлаштиришдан воз кечиш» имконини беради.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси революцион ҳукуматининг олиб бораётган аграр сиёсати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тез ривожлантириш ва юксалтиришни, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишни таъминлашга, қишлоқда феодал муносабатларни ва феодализмгача бўлган муносабатларни тамомила тугатишга қаратилгандир. АДР қишлоқ хўжалиги ва ер ислоҳоти министри Абдулғаффор Лакенваль Бахтар агентлиги мухбири билан қилган суҳбатида шу гапларни айтди.

Чекка ерларни суғориш учун етарли миқдорда сув билан таъминлаш—Афғонистон шароитида алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу масалани ҳал этишда ер ислоҳотининг демократик характерига тамомила мувофиқ равишда сувни тақсимлашни кузатувчи деҳқонлар комитетлари жалб этилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда уч юздан ортиқ шундай комитетлар ишлаб турибди.

Афғонистонда ер — сув ислоҳоти муваффакиятли амалга оширилмоқда. Ер — сув ислоҳоти тўла амалга оширилиши билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпаяди, социал-иктисодий характердаги вазифалар кўп даражада бажарилади. Шу вазифаларни ҳал этиш масалалари Апрель революциясининг янги босқичининг кун тартибида турибди, деб таъкидлади пировардида А. Лакенваль.

ИСРОИЛ БИЛАН ҲАМКОРЛИККА ҚАРШИ

ҚОҲИРА. Мисрдаги ватанпарвар кучлар намояндаларини бирлаштирган Ливан ва Фаластин халқлари билан бирдамлик миллий комитети Исроил ва унинг ҳомийлари билан ҳамкорликнинг ҳар қандай шаклидан воз кечишга, Мисрда Исроил молларига бойкот эълон қилишга чақирди. Бу ерда тарқатилган баёнотда араб халқларига қарши қонли жиноятлар қилаётган ва ҳимоясиз хотин-қизлар, қариялар ва болаларни ёпласига қираётган Исроил суверен Ливан территориясини, бошқа араб ерларини окупация қилишни давом эттирмоқда.

Исроил моллари учун Мисрнинг тўлаётган ҳар бир фунти, деб таъкидланади ҳужжатда, Фаластин болалари ва қарияларига ажал келтираётган ўққа айланади. Шунинг учун Исроил билан ҳар қандай ҳамкорлик қилиш Мисрнинг ва араблар дунёсининг миллий манфаатларига қарши жиноят ҳисобланади.

«НЕОЛЕА» ГАЗЕТАСИНИНГ БАЙРАМИ

НИКОСИЯ. Бу ерда Кипр ёшлари бирлашган демократик ташкилот органи «Неолеа» газетасининг анъанавий байрами бўлиб ўтди. Бу йил шу байрам келгуси йил февраль ойида бўладиган президент сайловида демократик, ватанпарвар кучлар номзодининг ғалабаси учун кураш шиори остида ўтмоқда.

«Неолеа» газетаси 1959 йилда демократик ёшлар ташкилоти туфилиши биланоқ чиқа бошлаган эди. Ҳозирги вақтда «Неолеа» прогрессив ёшларни ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари учун курашга сафарбар қилмоқда. Газета Кипр проблемасини адолатли тарзда ҳал этиш учун ташқи ва ички реакциянинг кирдикорларига қарши дадил курашмоқда. Газета кескинликни юмшатиш учун, тинчлик ва кипрлик ёшларнинг яхши истиқболи учун актив курашмоқда.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВЕНА. Австрияда тинчлик учун, ядро фалокатининг хавфига қарши курашувчиларнинг янги ташкилоти — «Австрия врачлари атом урушига қарши» деган ташкилоти тузилди. Вена университети медицина факультетининг бир группа профессор ва ўқитувчилари бу ташкилотнинг ташаббускорлари бўлишди.

Ташкилот эълон қилган баёнотда таъкидланадики, медицина ходимлари кишиларнинг саломатлиги ва ҳаёти учун гоят катта маъновий ва профессионал масъулиятни ўз зиммаларига юклаганлар. Бироқ, ядро уруши бошланиб кетган тақдирда ўлим ва азоб-уқубатлар шу даражага етадики, врачлар буларнинг даҳшатли оқибатларининг олдини ололмайдилар. Шунинг учун ҳам бутун дунёдаги врачлар атом хавфига қарши, тинчлик учун ва кескинликни юмшатиш учун ҳаракатда энг фаол иштирок этишлари лозим, деб таъкидланади ҳужжатда.

ТОКИО. Мамлакатнинг энг катта касаба союз маркази — Япония касаба союзлари бош кенгаши давлат хизматчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун кураш программасини қабул қилди. Касаба союз марказига кирувчи тармоқ касаба союзлари раҳбарларининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида социалистик партия ҳамда бошқа оппозициончи кучлар билан бирга ҳукуматнинг давлат корхоналари ва муассасалари ходимларининг иш ҳақини оширмаслик тўғрисидаги қарорига қарши оммавий норозилик ҳаракатларини авж олдиришга қарор қилинди.

(ТАСС).

Ангола Халқ Республикасида амалдаги ўқув йилида 3 миллиондан кўпроқ ўқувчи бошланғич ва ўрта мактабларда билим олмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакат ўқув масканларида мустақиллик қўлга киритилганидан илгарига нисбатан 4 баравар кўп ўқувчи ва студентлар таълим олаётир. Бу ерда янги ўқув программасини ишлаб чиқиш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Янги программада ёш авлодни ватанпарварлик, интернационализм ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш масалаларига катта эътибор берилгани.

Суратда: мамлакат пойтахти —Луандадаги мактаблардан бирида.

(ТАСС фотохроникаси).

Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида «Ягона онлада» мавзуида кўргазма очилди. Бу ерда республикамиз мўйқалам соҳибларининг турли темадаги асарлари намойиш этилмоқда. Тасвирий санъат мухлислари эътиборига ҳавола этилаётган мазкур асарларда Ўзбекистон меҳнаткашларининг яратувчилик ишлари, орзу-ўйлари ва жонажон ўлкамизнинг гўзал манзаралари акс эттирилган.

СУРАТДА: кўргазмалар залида.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

ОР-НОМУС ҲАҚИДА

ОДОБНОМА

Инсон чеккан барча азоб-уқубатлар ичида энг оғулиги руҳий эзилишдир.

* * *

Ҳасадгўйлик кўпроқ, истеъдодсиз кишиларга хос иллат бўлиб, ундайлар ўзларида етишмаган сифатлар учун бошқаларга рашк қиладилар.

* * *

Нодонни қайта тарбиялашнинг мушкуллиги шундаки, у ўз қилмишини мақбул, ўзини эса ҳаммадан оқил деб ҳисоблайди.

* * *

Юлғичлик йўли билан тўпланган бойлик ўз хўжасини бахил ва зиқна қилади. У ҳатто ўз ота-онасини ҳам юлиб-юлқишга тиришади. Чунки юлғичлик кирган жойдан одамгарчилик, инсонийлик йўқолади.

* * *

Ҳақиқатни аниқлаш ва унинг тантанаси учун кураш йўлида тортилган риёзат чинакам инсон учун энг ҳузурбахш оромдир.

* * *

Қўлга тушган чаённи қўйиб юборишнинг инсонпарварлик билан алоқаси йўқ, чунки у яна кўпроқ заҳар тўплаб, бошқа бир кишининг ҳаётини заҳарлаши мумкин.

* * *

Агар ҳар кимса ўз виждонига қоровул бўлса, жамият мулкини қоровуллашга эҳтиёж қолмаган бўлур эди.

* * *

Хамён ўғриси чўнтакни, иғвогар эса умрингни қирқади.

* * *

Пок одамларнинг ҳаётини заҳарлаш йўлида иғво ва туҳмат қилаётган иблиси кўриб-кўрмасликка олаётган киши ўз бошига бу кулфат тушганида қилмишини пайқайди.

* * *

Азиз шогирдим, қалб сандиғига ор-номус ва одамийлик жавоҳирларини тўпла, унга виждонингни соқчи қил — ҳеч қандай нопок қароқчи бундай қалб қасрига йўл тополмайди.

* * *

Ичкилик ўзи билан шундай бўрон олиб келадики, у хатто ақлу ҳушингни ҳам бирга ҳавога учириб кетади.

* * *

Ҳақ гапни айта олишнинг ўзи — мардлик ва одамийлик белгиси.

* * *

Одамларга фойдаси тегмай, бильъакс, зарар етказаётган киши нўқатнинг камолатига ҳалал бераётган ер остидаги сизотга ўхшайди.

* * *

Пора виждон қушини илинтириш учун дон сепиб қўйилган тузоқ, унга илинмасликнинг ягона таянчи — пок виждондир.

* * *

Гувоҳ йўқлигидан фойдаланиб, жиноятга қўл урган кишида виждон бўлмайди, чунки чин инсоннинг биринчи гувоҳи виждонидир.

Раҳимжон УСМОНОВ.

СПОРТ

ОМАД КЕЛМАЯПТИ

Айни кунларда Москва ва Северодонецк шаҳарларида хотин-қиз командалари ўртасида (олий лига) СССР чемпионати ўйинлари давом этмоқда. Кучлилар сафида республикамиз шарафини ҳимоя қилаётган «Автомобилист» (Тошкент) қизлари мавсумни муваффақиятсиз ўтказишмоқда.

Маълумки, вакилларимиз чемпионатнинг дастлабки уч турида ўз рақибларига кескин «жанг»да 2:3 ҳисобида ютқазишган эди. Волейболчиларимиз мусобақанинг тўртинчи куни Одессанинг «Медин» командаси билан куч синашишди. Бу сафар ҳам уларнинг омади келмади. Учрашувни кўтаринки руҳда ўтказган одессаликлар 3:0 ҳисобида устун келишди.

Ўтган якшанба куни «Автомобилист» яна мағлубиятга учради. Бу гал тошкентлик қизлар Ленинграднинг ТТУ командасига ютқазишди — 1:3. Шу кунги бошқа учрашувлар натижаси билан танишинг: ЦСКА — «Искра» (Ворошиловград) — 3:0, «Медин» (Одесса) — «Кировец» (Новосибирск) —3:0.

Москванинг «Динамо» командаси чемпионатни ниҳоятда муваффақиятли ўтказмоқда. Бу аҳил коллектив шу кунгача бирорта ҳам мағлубиятга учрамади. Навбатдаги турда динамочилар Риганинг «Аврора» командаси билан бўлган ўйинни ўз фойдаларига (3:0) ҳал этишди.

Мамлакат чемпиони — Свердловскнинг «Уралочка» волейболчилари шанба куни Минскнинг «Коммунальник» клубини енгиб, (3:1), якшанба куни Челябинскнинг «Политехник» командасига 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Бу чемпионнинг иккинчи мағлубиятидир.

ҒАЛАБА ВА МАҒЛУБИЯТ

Олий лиганинг эркаклар командалари СССР чемпионати учрашувларини Вильнюс ва Тошкентда ўтказишмоқда.

Республикамиз пойтахтида ЦСКА, «Политехник» (Одесса) «Локомотив» (Харьков), «Дорожник» (Олмаота), Москва областининг «Динамо» ва майдон эгалари — тошкентлик динамочилар куч синашишмоқда. Вакилларимиз москвалик клубдошлари билан илк учрашувда мағлубиятга учрагапликлари ҳақида хабар берган эдик. Иккинчи турда улар Олмаотанинг «Дорожник» волейболчиларини 3:2 ҳисобида енгишди.

Якшанба куни навбатдаги ўйинлар ўтказилди. Динамочилар Харьковнинг «Локомотив» командаси билан учрашиб, 1:3 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Бошқа учрашувлар қўйидагича тугади: — «Динамо» (Москва области) — «Политехник» (Одесса) — 3:0, ЦСКА — «Дорожник» (Олмаота) — 3:1.

Редактор ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

АХБОРОТ

ЯНГИ ТЕПЛИЦА

Тўрақўрғон районидаги Ленин номли узумчилик совхоз-заводида 300 квадрат метр саҳнли теплица қурилиб, ишга туширилди.

Теплицада серҳосил ток қаламчалари ва лимонлар парвариш қилинянти. Келгуси йили баҳорда бу ерда ўстирилаётган ток қаламчаларидан 2 минг донаси пахтакор ўлкамизнинг хўжаликларига жўнатилади.

И. НИШОНОВ,
Наманган области.

ОЛҚИШ ОЛИБ

Қунузоқ Улуғов бошлиқ Хўжа алоқа бўлимининг (Пахтачи райони) ходимлари СССР ташкил топган кунинг 60 йиллигига муносиб совга ҳозирлашди.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилига белгиланган план муддатидан олдин 26 ноябрда адо этилди. Сергайрат алоқачилар районларда Ўзбекистон меҳнаткашларининг яратувчилик ишлари, орзу-ўйлари ва жонажон ўлкамизнинг гўзал манзаралари акс эттирилган.

СУРАТДА: кўргазмалар залида.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ЯНГИ ТЕПЛИЦА

Тўрақўрғон районидаги Ленин номли узумчилик совхоз-заводида 300 квадрат метр саҳнли теплица қурилиб, ишга туширилди.

Теплицада серҳосил ток қаламчалари ва лимонлар парвариш қилинянти. Келгуси йили баҳорда бу ерда ўстирилаётган ток қаламчаларидан 2 минг донаси пахтакор ўлкамизнинг хўжаликларига жўнатилади.

И. НИШОНОВ,
Наманган области.

ОЛҚИШ ОЛИБ

Қунузоқ Улуғов бошлиқ Хўжа алоқа бўлимининг (Пахтачи райони) ходимлари СССР ташкил топган кунинг 60 йиллигига муносиб совга ҳозирлашди.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилига белгиланган план муддатидан олдин 26 ноябрда адо этилди. Сергайрат алоқачилар районда Карл Маркс номли колхоз аҳолисига хизмат кўрсатиш ҳисобига йил охиригача яна 900 сўмлик иш бажариш мажбуриятини олдилар. Ишчан почтальоналардан Улуғ Ватан уруши инвалиди, алоқа аълочиси Нортожи Эргашев, Зойир Тўраев ва Ривож Ҳусановлар эл олқишини олиб, самарали меҳнат қилишмоқда.

Қ. НОРБОЕВ,
Самарқанд области.

* * *

Шунингдек, андижонлик И. Мавлонов, Б. Мавлонов, Ш. Ҳошимов, жиззахлик А. Алпомишев, Р. Долиев, наманганлик А. Асроров, С. Турғунов, бухоролик Х. Асадов, И. Ражабов, қашқадарёлик А. Муқимов, тошкентлик А. Қосимов, қорақалпоғистонлик Х. Отамуродов ва фарғоналик Ж. Маматолимовлар ҳам турли хил мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Ҳар тўғрида

ҚАЗИЛМАЛАР ШОҲИДЛИК БЕРАДИ

Қадимий Миснинг пойтахти қайси шаҳар бўлган? Бу саволга бир хил жавоб бериш мушкул. Турли тарихий даврларда бу мамлакат Мемфис, Фив, Танис, Искандария ва бошқа шаҳарлардан бошқариб турилган. Пойтахт эрамиздан аввалги 950-йилдан 751-йилгача, қариб 200 йил фиръавнларнинг қароргоҳи Бастет худосига сажда қилинадиган марказ — Бубастисда бўлган.

Нил дарёсининг шарқий ўзанида жойлашган замонавий шаҳар Эз-Заказик чекасидаги Бубастис харобалари ўтган асрнинг охридаёқ археологлар диққатини ўзига тортган эди. Қазилмаларнинг бунчалик узоқ давом этишига қарамасдан, бу район олимларга катта кашфиётларни тақдим этмоқда. Эз-Заказик университетининг профессори Муҳаммад Иброҳим Бакр раҳбарлигидаги экспедиция сўнгги йилларда қизиқарли натижаларга эришди. Экспедиция бундан 5 минг йил илгари Бубастис мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнаганлиги ҳақидаги материалларни топишга муваффақ бўлди. Бу ердан Нил дарёсининг ҳозирда қуриб қолган ирмоқларидан бири оқиб ўтган ва кемалар қатнаб турган. Шунингдек, бу ерга яқин жойдан Миср билан Осиё мамлакатларини узаро савдо-сотиқ алоқалари билан боғлаб турган муҳим карвон йўли ўтган. Бир қанча мақбаралардан қадимий Миср суратларида тасвирланганидан кескин фарқланувчи қиёфага эга кишиларнинг ҳайкалчалари топилди. Мисршунос олимларнинг фикрича, булар қадимда Кичик Осиёдан Нил дарёси ўзани бўйлаб қабилаларнинг келиб жойлашганлиги ҳақидаги фактни тасдиқлайди.

ЮПИТЕР ЙЎЛДОШИДА ҲАЁТ БОРМИ?

Юпитернинг 14 та йўлдошларидан бири — Европада ҳаёт учун шарт-шароит борлиги тахмин қилинмоқда. Калифорния штатининг Моффет-Филдаги илмий-тадқиқот марказида ишлаётган американлик олимлар — Рейнольдс ва Стивен Скуайрслар бундай фикрни илгари сурдилар. Олимлар бу гипотезани бундан бир неча йил муқаддам Юпитер ва Европа ёнидан учиб ўтган Американинг планеталаро «Вояджер» автоматик станцияси томонидан олинган суратлар ва назарий тадқиқотлар асосида илгари сурдилар. Олимларнинг таъкидлашича, Европа йўлдошида ҳақиқий океанни аниқлашга муваффақ бўлинган. Йўлдошда у муз қатлами билан қопланган. Суратлардан Юпитернинг кучли гравитацион майдони таъсирида юз берган ёриқлар кўриниб турибди. Қуёш нурлари ёриқларнинг чуқур жойларигача бориб етган ва у ерларда, масалан, ер юзининг Антарктида муз қатлами остида яшайдиган микроскопик денгиз планктони каби энг оддий организмлар яшаши учун шароит вужудга келиши мумкин. Американлик олимларнинг айтишича, океанинг химиявий таркиби ер юзида дастлаб пайдо бўлган океан таркибига мувофиқ келади.

(ТАСС).

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ...

...Ховос районидан Сирдарё область ички ишлар бошқармаси оператив пунктига тўсатдан ташвишли хабарни маълум қилишди. Аслида милиция ҳаётида аксарият воқеалар тўсатдан содир бўлади. Оператив пунктга «Узсельхозхимия» бирлашмасининг Ховос районидаги базаси кассасини ўмариб кетишганлигини хабар беришди. Пул сақланган сейф ҳовлига олиб чиқилган, сўнгра ўша ерда очилиб, 15 минг сўм маблағ ўғирланган эди. Район ички ишлар бўлимидан маълум қилишларича, ўғирлик анча устамон кишилар томонидан содир этилган, ниҳоятда синчиклаб қидирув ва экспертиза-криминалистика ишларини олиб боришни тақозо этарди.

Шошилинч равишда жиноят-қидирув группаси тузилди. Унинг составига ички ишлар бошқармасининг тажрибали, ўз ишини пухта биладиган ходимлари киритилди. Вазиятнинг мураккаблиги ва жиноятни очиш ниҳоятда муҳимлиги ҳисобга олиниб, бу группага билимдон мутахассис, ўз соҳасида кўп йилларидан бери ишлаб келаётган катта эксперт-криминалист Леонид Тимофеевич Ли ҳам қўшилди. Кўп ўтмай группа жиноят содир бўлган базада иш бошлаб юборди.

Ўғрилар пул сақланган сейфни кассирнинг хонасидан олиб чиқишда ҳам, уни очиб, пулни олишда ҳам ўта эҳтиёткорлик билан «ишлашганди». Ҳеч қаерда қўл излари қолмаганлиги улар қўлқоп билан иш кўришганлигини кўрсатарди. Шунинг учун ҳам группа аъзолари сейф олиб чиқилган хонадан бирон бир далилий ашё ёки из топишолмади. Фақатгина база ҳовлисидаги оёқ изларидан жиноятчилар икки киши эканлиги аниқланди. Ўғрилар сейфни очишган жойда анча уринганликлари кўриниб турарди. Чунки бу ер роса топтаб ташланган эди. Группа аъзолари ана шу жойни синчиклаб текширишди. Айниқса, эксперт-криминалист Леонид Тимофеевич бу ерни синчковлик билан кўздан кечирар, бирон бир далилий ашё топишга харакат қиларди. У «Жиноятдан албатта из қолади», деган гап ҳақ эканлигига ўз иш практикасида жуда кўп марта амин бўлган эди. Шунинг учун ҳам Ли ҳеч бир эринмай ишида давом этди. Группанинг айрим аъзолари натижа чиқмаётганлигидан хуноб бўлиб, бир чеккага чиқиб, папирос чека бошлашди. Леонид Тимофеевич эса тишини-тишига қўйиб, ҳамон сейфнинг атрофини текширарди. У радиусни тобора кенгроқ олиб, ҳар бир қарг жойни назардан ўтказарди.

Кун аллақачон пешиндан оғиб кетди. Жиноят-қидирув группасининг баъзи ходимлари база яқинида яшовчи аҳоли билан суҳбатлаша бошлашди. Шу ерда турувчилардан бири кечқурун база атрофида иккита нотаниш киши юрганлигини гапириб, уларнинг ташқи кўринишн ҳақида эсида қолган белгиларни айтиб берди. Унинг кўрсатмалари қайд қилиб қўйилди. Бошқа биронта пиёқка илинадиган гап чиқмади. Леонид Тимофеевич ҳам ниҳоят битта далилий ашё топди. У сейфдан 5—6 метр наридаги хас-чўпларни пайпаслаб, қидираётганида қўлига туфлининг пошнаси чиқиб қолди. Эксперт дарров пошнани жиноятчиларнинг оёқ изларига солиштириб кўрди. Улардан бирининг изи топилган пошнага мос келиши маълум бўлди. Оёқ изларини қайтадан синчиклаб текшириш бошланди. Масала янада ойдинлашди: сейф кассирнинг хонасидан олиб чиқилиб, у очилган жойга келтирилгунча ўғрилар кийган пойафзалнинг излари ерга тўлиқ тушганди. Жиноятчилар пулни олиб, базадан чиқиб кетишаётганда эса бошқача из қолдиришганди: ўғрилардан бирининг ўнг пойафзалида пошна йўқлиги қолдирилган излардан шундоққина кўриниб турарди. Экспертиза ҳам буни тўлиқ тасдиқлади. Демак қўйидаги хулосага келиш мумкин эди: ўғрилардан бири сейфни очиш жараёнида туфлисининг пошнасини кўчириб қўйган, сўнгра уни бир четга отиб юборган ёки пошилганидан пошнаси тушиб қолаётганини сезмаган. Нима бўлганда ҳам Леонид Тимофеевичнинг излашлари бекор кетмади, калаванинг учи топилди. Энди ақл ишлатиб, уни аста-секин тортиш керак.

Жиноят-қидирув группаси аъзолари тўпланишиб, йиғилган материалларни ҳар томонлама муҳокама қилишди. База яқинида яшовчи граждан айтган кўринишдаги, худди шундай жиноятни содир этиши гумон қилинган кишилари текшириш, уларнинг уйларидаги пойафзалларга эътибор бериш лозим, деган ягона фикр ўртага ташланди. Область ички ишлар бошқармаси архивидаги маълумотлар чоғиштирилди, кўп йиллардан бери шу ерда ишлаб келаётган милиция ходимларининг мулоҳазалари тингланди. Кўп ўтмай айтилган кўрсатмадаги ташқи кўринишларга ҳар жиҳатдан мос келадиган, гумон қилинган 5—6 киши аниқланди. Ўғирлик содир этилган куннинг эртасига гумон қилинган кишилар текшириб чиқилди. Табийки, бу иш ҳар томонлама эҳтиёткорлик билан бажарилди. Кишиларнинг кўрсатмалари, кўп йиллик кузатишлар, маълумотларни чуқур таҳлил қилиш натижасида чиқарилган хулоса иккинчи текширувдаёқ тасдиқланди. Пошнаси йўқ туфли текширилган уйда ётганлиги, ўғирлик қилганлар эса қаёққадир қочиб кетганлиги аниқланди. Оз муддатдан сўнг жиноятчилар топилди. База ҳовлисидан топилган пошна ҳақиқатдан ҳам ўғриларнинг уйидан чиққан туфлиники эканлиги экспертиза - криминалистика йўли билан ҳар томонлама тасдиқлаб берилди. Жиноятчилар ўз айбларига иқрор бўлиб, қилмишларига яраша жазо олдилар. Улар ўғирланган пулни сарф қилишга улгурмаслариданоқ ушланганликлари учун маблағнинг деярли ҳаммаси база кассасига қайтарилди. Ана шу жиноятни фош қилишда эксперт-криминалист Леонид Тимофеевич Ленинг ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати, ниҳоятда синчковлиги катта роль ўйнади.

Бундай воқеаларни, не-не машаққат билан очилган жиноятларни қилиб қирқ ёрувчи касб соҳибларининг вакили Леонид Тимофеевичнинг қариб ўн йиллик меҳнат фаолиятидан кўплаб тошиш мумкин. У ўз эксперт-криминалистик фаолиятининг иккинчи йилидаги қуйидаги воқеани тез-тез эслайди: «Кунлардан бир кун Гулистон райони маркази Крестьянский посёлкасида жойлашган маданий ва хўжалик буюмлари магазинига кечаси ўғри тушиб, бир неча ўн минг сўмлик молларни гумдон қилиб кетганлигини хабар беришди. Жиноят қидирув группаси составида мен ҳам эксперт-криминалист сифатида ўша жойга етиб бордим. Магазин эшиги бузилмаган, кечқурун қулфланиб, муҳрланганча турарди. Фақат эшик болта билан чопиليб, бир одам бемалол кириб-чиқадиган даражада тешик очилган эди. Магазин мудири ва сотувчи йўқолган моллар ана шу тешикдан олиб чиқиб кетилган, дейишди. Группамиз аъзолари қанчалик сўраб-суриштиришмасин, бирон бир далилий ашё топишга ҳаракат қилишмасин, ўша ерни кечқурунгача ҳеч қандай натижа чиқмади. Мен биз учун якка-ю ягона текшириш объекти бўлган эшикдаги тешикни синчиклаб кўздан кечира бошладим. Фикрим тиниқлашиб, энг аввало тешикнинг четида қолган болта излари мени қизиқтириб қолди. Тешикнинг ташқарисидаги болта излари бирмунча катта, ичкари томондагилари эса бироз кичкина эди. Шу онда миямга ялт этиб бир фикр келди: «Нега энди эшик ичкари томондан ҳам чопилган? Ахир кечаси магазин қулфланиб, муҳрланиб кетилган бўлганку?!» Хаёлга даб-дурустдан келган бу фикрни группанинг бошқа аъзоларига дарров айтмадим. Чунки бу фикр магазиндаги моллар ўғирланган эмас, балки олдиндан ўйлаб чиқилган «сценарий» асосида иш кўрилган деган маънони англатарди. Магазин мудири ва сотувчидан шундай гумон қилиш учун эса уни ҳар жиҳатдан асослаш, етти ўлчаб, бир кесиш лозим эди. Шунинг учун ҳам эшикдаги тешикнинг ҳар икки томонини яна бир карра кўриб чиқдим, тахтада қолган болта изларини ўлчаб, таққосладим. Маълумки, болтани эшик тахтасига тикка қилиб урилса, уни чопмайди. Тахтани чопиш учун болтани қиялатиб уриш керак. Шундай қилинганда ҳосил бўлган тешик четида 3—4 сантиметр атрофида қия текислик қолади. Худди шундай ётиқ қиялик биз текшираётган эшикнинг ҳар икки томонида бор эди. Демак, магазин эшиги ичкаридан ва ташқаридан туриб тешилган. Ана шу гумонни ҳар жиҳатдан асослаб бўлгач, группа аъзоларига айтдим. Улар менинг тахминимга тўла қўшилишса-да, иш яна ҳам пухта бўлишини кўзлаб, республика экспертиза-криминалистика бўлинмасидан бирон бир мутахассис чақиришни таклиф қилишди. У ердан келган эксперт магазин эшиги ичкаридан ҳам тешилган, деган фикрга унчалик қўшилмади. Шундан сўнг қидирув ишлари бироз муддат тўхтаб қолди. Чунки ўғирлик ҳақида бошқа биронта ҳам кўрсатма, далилий ашё йўқ эди. Ниҳоят, менинг фикрим криминалистик асосга эга бўлганлиги учун магазин мудири ва сотувчининг уйини текширишга қарор қилинди. Бир қаришда пайқаш қийин бўлган, лекин ишончли далилга асосланган фикр тасдиқланди. Ўғирлаб кетилди, деб кўрсатилган молларнинг айримлари магазин ходимларининг уйидан чиқди. Тергов жараёнида улар узоқ вақт давомида катта миқдорда камомат қилиб қўйганликларини, уни яшириш учун бир киши магазин ёпилаётганда ичкарида қолиб, кечаси ўша томондан кичик болтада, иккинчи киши эса ташқаридан катта болта билан тешик очганликларини, айрим нарсаларни номигагина уйларига олиб кетганликларини тан олишди. Оддийгина бир деталь — эшик тахтаси ичкаридан туриб ётиқ қилиб чопилганлигини пайқаб қолиш катта бир жиноятни фош қилишда бизга жуда қўл келди. Бу — «Жиноятдан албатта из қолади», деган ганни яна бир бор тасдиқлади.

Ҳа, Сирдарё область ички ишлар бошқармасининг катта эксперт-криминалисти, милиция капитани Леонид Тимофеевич Ли ўз соҳасини пухта биладиган, ниҳоятда ҳушёр милиция ходимларидан ҳисобланади. У ўз фаолиятини Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимида оддий милиционерликдан бошлаганди. Леонид шу ерда ишлаш жараёнида ўқиб, билимини ошириши зарурлигини ҳис этди. Ички ишлар бўлимидан йўлланма олиб, Москвадаги ўрта махсус милиция мактабига ўқишга кирди. У кўпдан бери эксперт-криминалист бўлишни орзу қилиб юрганлиги учун ана шу соҳага ихтисослаштирилган мазкур милиция мактабини танлаганди. Икки йил давомида ўзи севган соҳанинг икир-чиқирларини мукаммал ўрганди. Леонид мутахассислик гувоҳномаси билан Сирдарё область ички ишлар бошқармасига оддий ходим бўлиб келди. У милиция мактабида олган билимларини эндиликда ўз фаолиятида қўллай бошлади. Ниҳоятда нозик соҳанинг сир-асрорларини эгаллашида унга қарийб йигирма йилдан бери экспертиза - криминалистика бўлимига бошчилик қилиб келаётган Александр Иванович Масюра катта ёрдам берди. Шунинг учун ҳам Леонид Тимофеевич уни «Устозим» деб эъзозлайди.

— Ёзув криминалистикасини эгаллашимда ҳам Александр Ивановичнинг хизматлари катта бўлди, — дейди Ли. —Дастхатлар, ведомостларга қўйилган имзолар орқали турли жиноятларни очишга тўғри келади. Масалан, бу йил худди шундай йўл билан Меҳнатобод районидаги йирик талон-тарожлик фош қилинди. Водопровод тармоғини барпо этиш ва чўчқачилик фермасига сув олиб бориш ишларини асосан уч киши бажарган. Ведомостларга эса яна тўққиз «ўлик жон» тиркалиб, уларнинг пуллари гумдон қилинган. Буни яшириш мақсадида бажаришлар иш ҳажми бир неча баравар ошириб кўрсатилган ва давлатнинг бир неча ўн минг сўм маблағи ўмарилган. Биз узоқ текширишлар олиб борий, ведомостлардаги 9 «ўлик жон»нинг имзосини бухгалтерия ходимларининг ўзлари қўйганликларини исботлаб бердик.

Леонид Тимофеевич ишлаш жараёнида ўз соҳасини қанчалик пухта эгалламасин, ўқишни давом эттириш ҳаётий зарурат эканлигини ҳис этди. Шу мақсадда Тошкент давлат университети юридик факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Олти йил давомида ишни билим олиш билан қўшиб олиб борди. Мана, бу йил унинг орзуси ушалади. Юридик олий маълумот ҳақидаги дипломни олади.

Кечагина ўзи шогирд бўлган Леонид Тимофеевич бугун ёш эксперт-криминалистларга мураббийлик қилмоқда. У ўз тажрибаларини, иш методларини фақат Сирдарё областидаги ҳамкасблари билан ўртоқлашиб қолмай, балки бу ҳақда республика миқёсида ҳам фикрлашянти. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигида чиқарилаётган методик кўрсатмада ишни такомиллаштиришга доир мақолалари билан қатнашиб келаётганлиги бунинг далилидир. Дарвоқе, у ўзининг иш натижалари, кўрсаткичлари бўйича бир неча марта Сирдарё область ички ишлар бошқармаси ва республика Ички ишлар министрлигининг энг моҳир эксперт-криминалисти, деган фахрли номга сазовор бўлганлиги, 1-класс мутахассис деган даража берилганлиги ҳам бежиз эмас. Леонид Тимофеевичнинг кўксини безаб турган 1 даражали «Беқуқсон хизматлари учун» медали, «Совет милициясининг аълочиси» нишони, кўплаб фахрий ёрлиқлар унинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Медаль ҳам, фахрли ном ва бошқа нишонлар ҳам унинг беқуқсон ишлаётганлигидан далолат беради. Ҳамиша шундай бўлаверсин, Леонид Тимофеевич, дегимиз келади.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

ЧОРШАНБА

29 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Цирк маликаси». И. Кальманнинг шу номли оперетаси асосида телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серялар.
12.05 «Совет Иттифоқи бўйлаб». Киножурнал.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саксониچи йиллар коммунистлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Рус тили».
16.30 «Жаҳон халқларининг ижоди». Румния санъати.
17.00 «Ога-иниларга ога-ини». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
17.30 «Горичилар, қаердасиз?»
18.15 «Фан оламида». Йил якунлари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Хоккей бўйича халқаро учрашув. «Эдмонтон Ойперз» — СССР терма командаси. Канададан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. Финал.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторинанинг давоми.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Спорт ҳафталиги.
19.20 Томск ёғоч ўймакорлиги ёдгорликлари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
19.40 «Русская зима» санъат фестивали. Концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Француз импрессионистларининг ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 Чанғи спорти бўйича Бутииттифоқ мусобақалари.
22.50 Ёшлар командалари ўртасида хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ГФР — СССР терма командалари. 3-давр. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
23.25 Фильм-концерт.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун фильмлар: «Трамплин», «13-бурилиш».
12.00 «Айна». Бадиий фильм.
13.15 «Дўстлик маршрутлари». 2-кўрсатув.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Бўрон-бўви». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Арча чироқлари порлаганда» (рус.).
19.00 «Тошкент янги йил арафасида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Пахта даласидаги жасорат». Ҳужжатли фильм премьераси («Узкинохроника»).
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Узбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Россия сен билан». Видеофильм премьераси.
23.10 Узбекистон санъат усталарининг концерти.
00.10 Янгиликлар.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ» «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р-07576.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93. 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими —32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиш бўлими —32-58-44. Маданият адабиёт ва санъат бўлими —32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими —32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими —32-54-52. Иллюстрация бўлими —32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери —32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси —33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А—1197. 11